

74.

МЕХРИ НОРБОШЕВА

**БОЛАЛАР
ПСИХОЛОГИЯСИ**

Ks-6

Kitob quyida ko'rsatilgan
muddatda topshirilishi shart

Oldingi foydalanishlar
miqdori _____

--	--

of uce
si kac

8. 8
81. 79.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ


МЕҲРИ НОРБОШЕВА

БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

(Маъруза матнлари)

Мақтабгача ва оилавий таълим (В 149560) ҳамда
психология (В 310200) йўналишлари талабалари
учун мўлжалланган

ТОШКЕНТ – 2002



ТАҚРИЗЧИЛАР:

психология фанлари доктори, профессор **Б.КОДИРОВ**
психология фанлари номзоди, доцент **Б.УМАРОВ**
педагогика фанлари номзоди, доцент **Б.СОДИҚОВ**

Ушбу маъруза матнлари Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан нашр учун тавсия этилган.

1-МАВЗУ: БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ, ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Кириш
2. Ҳозирги замон болалар психологиясининг назарий ва амалий вазифалари.
3. Болалар психологиясининг предмети.
4. Одам психикаси онтогенезининг шартлари.
5. Болалар психологиясининг бошқа фанлар билан алоқаси.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Психик тараққиёт, онтогенез, тараққиёт омиллари, психика, болалар психологияси, олий нерв фаолияти, психогигиена.

Барчамизга маълумки, 2000 йил ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан 2000 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлом авлод давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул этилди. Бу хайрли ишлар мақсади соғлом авлод тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган, ҳаётий ўринга эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилгандир.

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун турли жабҳа мутахассислари масъулдирлар. Айниқса, кенг кўламли давлат дастурини амалга ошириш педагоглар, врачлар, қолаверса, ота-оналар олдида бир қатор вазифаларни кўяди.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов 2000 йил 24 февраль кuni Оқсарой қароргоҳида Соғлом авлод давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссияси мажлисида дастурни ижро этиш жараёнида бирламчи эътибор қаратилиши зарур

бўлган устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунда тўртинчи ва бешинчи йўналишларда бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тўғри ташкил этиш, ақлан ва жисмонан шакллантириш тафаккури таркиб топаётган пайтда уларга тўғри тарбия бериш, ҳаётий билимларни эгаллашлари учун етарли шароит яратиш бериш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Дарҳақиқат, мактабгача таълим - тарбия мазмуни бу ёшдаги бола шахсининг пойдевори мустаҳкам таркиб топиши, унинг келгуси комил инсон бўлиши омилидир. Бунинг учун оила, мактабгача таълим муассасалари, болалар поликлиникаси биргаликда ҳамфикр бўлиб иш олиб боришлари, ҳар бир боланинг ҳар томонлама ривожланишини тўла-тўқис ўрганиб, мутахассислар фикр-мулоҳазалари, хулосаларини инобатга олишлари зарур.

Бугунги кунда ёш авлоднинг соғлиги, унинг камоли давлат миқёсида ҳал этилмоқда. Кундан-кунга жамиятимиз, давлатимиз келажаги бўлган ёш авлодга эътибор кучаймоқда. Ана шу диққат-эътиборнинг қадрига етиш ва кўзланган мақсадни амалга ошириш учун сиз каби бўлғуси мутахассислар фан сирларини мукамал ўрганмоғингиз, уни амалиётда ўз ўрнида қўллаш билмоғингиз зарурдир.

Хўш, мактабгача ёшдаги болаларга нега эътибор бунчалик талаб этилади? Нега шу ёшдаги болаларга эҳтиёткорлик билан ёндашилади?

Бу каби саволларга сизга тақдим этилаётган ушбу маъруза матнлари билан танишиш давомида жавоб топасиз деган умиддамиз.

Жамиятимиз ҳаётида содир бўлаётган маънавий-маърифий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар барча соҳаларда туб ўзгаришлар яратишни талаб қилмоқда. Жумладан, узлуксиз таълим тизимининг йўлга қўйилиши, унда таълимнинг босқичлари сингари мактабгача таълим босқичига чуқур эътиборнинг қаратилиши шу соҳа мутахассислари олдига ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Инсон фарзанди дунёга келган заҳоти маълум инсоний муносабатга, тарбияга муҳтождир. Бу борада буюк мутафаккир Ибн Сино машҳур "Тиб қонунлари" асарининг биринчи китобидан ўрин олган. Рўзғор фикрларни билдиради: - Бола тарбияси у дунёга

елган сониядан бошланмоғи, унинг асосий мақсади болада мавжуд ақлий ва жисмоний қувватларни тўғри ўстириш бўлмоғи лозим. Чунки бола яхши ёки ёмон, ёвуз ёки олианоб бўлиб дунёга келмайди. Убу хусусиятларига тарбия, рофдагилар таъсири туфайли эришади. Ибн Синонинг фикрича, бола қалби мисоли покиза ойна. Унга исталган ақлни чизиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳар қандай руҳий хусусиятлар ва ҳолатлар инсон туғилганда тайёр ҳолда вужудга келмайди. Янги дунёга туғилган болада уни куршаб турган нарса ва ҳодисаларнинг таъкидлик образлари (намуна) ҳали мавжуд эмас. Айни вақтда боладаги мавжуд ҳис-туйғу ва истаклар тор маънодаги табиий (органик) эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлиб, боладаги дастлабки вақтда бола зарур бўлган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурни бера олмайди. Айниқса мазкур даврда боланинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳақида фикр қилиш мумкин эмас. Албатта, улар ўртасида айрим фарқлар мавжудлиги таъкидланади-бири оғир, босиқ бўлса, иккинчиси-йиғлоқ. Аммо булар боланинг психологик хусусиятлари эмас, балки физиолгик фарқлар бўлиб, унда нерв системасининг хусусиятлари намоён бўлади.

Дунёни билиб олиш формалари, инсонга хос бўлган фикр қилиш ва мулоқотга киришиш хусусиятлари аста-секин, боладаги босқичма-босқич болалик даври давомида ривожланади ва шунинг билан бир қаторда боланинг индивидуал психологик сифатлари, шахс хусусиятлари шаклланиб, ривожланиб боради.

Бола қандай қилиб, меҳнат қўла оладиган, бошқа кимшилар муносабатга кириша оладиган катта одамга айланиб боради, уларда қайси йўл инсон шахсини характерловчи сифатларнинг шаклланиш хусусиятларини психологиянинг мумкин соҳаси бўлган, болалар психологияси ўрганайди.

Агар биз болалар боғчасининг маълум бир гуруҳига (масалан: 1-кичик гуруҳ) қатновчи болаларни ўзаро таъқосласак, уларнинг бир-бирларидан жуда катта фарқ қилишлари кўзга яққол ташланади. Бири босиқ, йўналган, агар бирор нарса қуриш ёки яшашни бошлаган бўлса уни албатта охирига етказа олади. Иккинчиси-аксинча, ўз ҳолида билишдақиқа ҳам жим ўтира олмайди, айланади, югуради, янги боғланган ишини ташлаб кетади ва ҳоказо. Кимдир

“Булбулча” кўшиғини ёд олган, кимдир унинг икки қаторини ҳам эслай олмайди. Баъзи болалар борки, эртақ ва хикоялар тинглаш билан шуғулланишни ёқтиради. Бошқалари фақат югуриши, тўполон қилиш билан машғул бўлади. Бир гуруҳ болалар ўртасидаги фарқ мавжуд экан, агар уч ёшли болаларни 5 ёшли болалар билан таққослаганда қандай бўлиши мумкин? Бу ерда шу нарса маълум бўладики, болалар ўртасидаги индивидуал фарқлар мавжуд бўлишига қарамасдан бир ёш гуруҳидаги болаларнинг бошқа ёш гуруҳидаги болаларга нисбатан бир-бирларига яқин томонлари мавжудки, бу хусусиятлар асосан уларнинг дунёқараши, фикр юритиши, тенгдошлари билан ўзаро муносабатга киришишларида намоён бўлади.

Беш ёшли болалар кўпроқ биладилар. Улар машина, самолёт, космосга саёҳат, ҳайвонот оламига қизиқадилар. Кўпчиликлари ҳарфларни ўрганиб, ўқишни бошлайдилар, арифметик масалаларни ечадилар. Айниқса уларга образли фикр юритиш хосдир. Бу ёшдаги болалар бошқача фикр юрита бошлайдилар. Уларнинг ўйини фаолиятларида, чизган расмларида, ясаган ўйинчоқларида ҳаёлнинг иши кўриниб туради. Улар кўпинча жамоа бўлиб ўйнайдилар, ўйинда ролларни олдиндан тақсимлайдилар. Бу ёшдаги болаларнинг катта ёшдаги кишилар билан муносабатлари янгича тус олади. Болалар ўзлари чизган расмларни катталарга кўрсатади, унда нима тасвирланганлигини тушунтиради, ўз таассуротларини билдиради, тушунмаган нарса ва ҳодисаларга катталардан жавоб кутади. Турли бўлишига қарамасдан ҳар бир болада ёш ўзгариши билан боғлиқ ҳолда маълум миқдор ва сифат ўзгаришлари содир бўлади ва бу ўзгаришлар албатта тасодифий эмас. Улар ўзининг сабабларига эга, айти шу сабабларни болалар психологияси фани тушунтиришга ҳаракат қилади.

Агар бола бошқалар сингари кераклигича ривожланмаётган бўлса, яъни ўз тенгдошларидан сезиларли даражада орқада қолаётган ёки аксинча ўзиб кетганлиги ҳам ўз-ўзидан сабабсиз содир бўлмайди ва керакли тушунча беришни талаб қилади.

Болалар психологияси ҳар бир ёш даврдаги психологик хусусиятларни уларнинг бошқа ёшдаги болалар билан қандай

қилишини ва турли ёш даврларда боланинг руҳий ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Бу ерда биринчи навбатда барча болаларга ва асосан тегишли ёшдаги болаларнинг кўпчилигига хос бўлган хусусиятлар ажратиб ўрганилади.

Агар болаларни катта ёшдаги кишилар билан таққосласак, бир қарашдаёқ катталар билган ва бажарадиган ишларни болалар билмайди ва бажара олмайди деган фикрга келамиз. Бундай ҳолатларда кўпинча катталар ҳечқиси йўқ, катта бўлса билмай олади дейишади. Шунини унутмаслик керакки, ҳар бир ёш давр ўзининг типик ривожланиш хусусиятларига эга.

“Болалар психологияси” XX асрнинг иккинчи ярмида умумий психологиядан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. “Болалар психологияси” болаларни ўрганувчи фандир. Бироқ, болаларни фақат болалар психологияси эмас, балки бошқа фанлар ҳам ўрганади. Болалар психологияси болаларни махсус тарзда психологик жиҳатидан ўрганади.

Болалар психологияси – боланинг туғилган пайтидан бошлаб то мактаб ўшига етгунга қадар психик жиҳатидан тараққий этиш қонуниятларини ва шахсий психологик хусусиятлари таркиб топиш жараёнини илмий жиҳатдан ўрганади ва таҳлил қилади. Бола одам сифатида ташқи кўриниши билан катта ёшли одамларга ўхшаса ҳам ўзининг руҳий жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятларининг мазмуни жиҳатидан катта ёшли одамлардан кескин фарқ қилади. Болаларда ҳали турмуш тажрибаси деярли йўқлиги сабабли уларнинг сезги ва идроклари, тафаккур ва хаёллари, ҳиссиёт ва иродалари катта ёшли одамлардагидек бўлмайди. Болалар психологияси айниқса бола тараққиётининг турли босқичларида (яъни илк ёшлик-чақалоқлик, ясли ёшидаги ва боғча ёшидаги) ривожланиб боришини ўрганади.

Болалар психологияси предметининг муҳим омонларидан бири турли ёшдаги болаларда сезиш, идрок, диққат, хотира, нутқ, тафаккур, ҳиссиёт, хаёл ва ирода каби руҳий жараёнларнинг намоён бўлиши, тараққий этиши ҳамда акомиллашувининг қонуниятларини болада шахсий психологик хусусиятларнинг таркиб топиши жараёнини шахсининг таркиб топишига фаол таъсир қилувчи факторлар (омиллар) қизиқтиради.

Маълумки, бола шахси ва унинг психологик хусусиятлари қандайдир тасодифий омилларнинг тартибсиз таъсир этиши натижасида эмас, балки муайян конкрет омилларнинг қонуний таъсир этиши натижасида таркиб топади. Ана шу муҳим қонуний тарзда таъсир қиладиган омилларни очиш ва исботлаш билан ҳам болалар психологияси шуғулланади. Болалар психологияси бола шахси ва шахсий психологик хусусиятларнинг таркиб топиши каби муҳим илмий муаммоларни ўрганиб, мамлакатимизга янги типдаги одамларни тарбиялаб етиштириш қонуниятларни очиб беради.

Табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятларидан хабардор бўлиш болалар психологиясига болалар психик тараққиётини ўрганишда ва табиий зот бўлиб туғилган боланинг инсон ижтимоий тажрибасини эгаллаб, шахс бўлиб етишишини ўрганишда тўғри йўл топишга ёрдам беради.

Болаларнинг психик жиҳатдан тараққий этиш муаммосини ўрганиш фалсафа (билиш назарияси) учун ҳам катта аҳамиятга эга. Болалар психологияси болалар психикасининг тараққий этиш қонуниятларини илмий асосда ўрганиб, фалсафанинг янада ривожланишига ёрдам беради.

Болалар психологиясининг мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлган:

а) ҳамма фанларга кириб келаётган эволюция ғоясининг психиканинг ривожланиш жараёнида ўрганиш зарурлигини тақозо этиши;

б) умумпсихологик қонуниятлар боланинг хатти-ҳаракатини, психик хусусиятларини ва боланинг ривожланишига бирор-бир фаолиятнинг таъсирини аниқлаш учун етарли эмаслигини эътироф этилганлигини;

в) болалар психологиясининг назарий аҳамиятга эга эканлиги;

г) тиббиёт фани ва унинг тармоқларининг ривожланиши (педиатрия, болалар патопсихологияси фанлари боланинг жисмоний ривожланишигина эмас, шу билан бирга, нормал бола психикасининг хусусиятларини билишни талаб қилмоқда);

д) турли ёшдаги болалар руҳиятида содир бўладиган хилма-хил мураккаб ҳолатларга дуч келаётган болалар илмий равишда ҳал қилишни талаб этиши.

Болалар психологияси фани тузилишининг асосий принципларига тўхталиб ўтамиз. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Психика юқори даражада ташкил топган материянинг қусусияти, миянинг маҳсулидир. Психика ташқи дунёнинг сезги органлари орқали одам миясига бевосита таъсири асосида пайдо бўлади ва турли билиш процессларида: сезги, идрок, тасаввур, хотира, хаёл, тафаккурларида, руҳий қолатларида диққати, ҳиссиёти, қизиқиш ва эҳтиёжларида, тининг характерида ифодаланади.

2. Психиканинг асосини миянинг рефлектор фаолияти ташкил этади. Ташқи дунёдан келадиган қўзғатгичларга (ички ва ташқи) организм жавоб беради. Бош мия қобигида вужудга келадиган вақтли нерв боғланишлари психик модисаларнинг физиологик асослари бўлиб ҳисобланади. Бу боғланишлар бирор-бир ташқи таъсир асосида вужудга келади. Бош мия қобигида бўладиган нерв боғланишлари И.П.Павлов ва унинг шогирдлари томонидан очиб берилган қонунлар (нерв процессларининг иррадиацияси ва концентрацияси қонуни, ўзаро индукция қонуни ва бошқалар) асосида юз беради. Бу қонунлар турли вақтли нерв боғланишларининг, ассоцияларнинг қандай вужудга келаётганлигини, қандай доирада тормозланаётганини, вақтли боғланишларнинг йўқолаётганлигини ёки яна пайдо бўлаётганини тушунтириб беради. Бундан ташқари, одам олган чуқур билим, мураккаб иқтидорларнинг, ҳар томонлама қизиқишларимиз асосида пайдо бўладиган янги, ҳам мураккаброқ занжирлари, компрексларнинг қандай пайдо бўлишини тушунтириб бериш имкониятини беради.

Мия функцияси икки асосий механизм: вақтли нерв боғланишларининг бирлашиш механизми ва анализаторлик фаолияти механизмлари асосида вужудга келади. И.П.Павлов бу икки механизм ҳайвоннинг ташқи дунёга бўлган муносабатларини ўз ичига олади, деган муҳим фикрнинг илгари сурган эди.

Психик фаолият борлиқни акс эттиришдир, бошқача қилиб айтганда, олий нерв фаолияти томонидан ташқи дунёнинг образлари кўринишида ифодаланишидир.

3. Психикани ўрганиш одамнинг сингли фаолиятини, унинг бутун амалий ҳаётини ҳам ўрганишни ўз ичига олади.

Инсон онги унинг бажараётган хатти-ҳаракатлари ва ўйинларидагина ўз ифодасини топади ва шахс шу формадаги ҳаётий фаолиятларида шаклланади.

Инсон онги моддий ҳаётни акс эттира бориб, тарихан ўзгариб боради ва бу хусусиятлар унинг тушунчалари, туйғу-ҳислари, эҳтиёжлари, актив фаолиятга ундайдиган ҳаракат қилиш усуллари ва истакларида намоён бўлади.

4. Бола билиш фаолиятининг ривожланиши борлиқнинг туб моҳиятини борган сари чуқурроқ, тўғри ва тўлароқ акс эттириш, унинг турли хилдаги ўзаро муносабат ва алоқасини билишдан иборатдир. Шу тариқа бу муносабати таркиб топа боради.

5. Бола онгининг ривожланиши унинг ташқи дунёни фаол акс эттириш асосида содир бўлади. Боланинг моддий ҳаёти, унинг ўзи яшаб турган жамиятга муносабати, шунингдек уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти, фуқаролик қиёфаси, бошқача қилиб айтганда, кишиларнинг дунёқарashi, уларнинг атрофдаги нарсаларга берадиган баҳоси, интилишлари, ишлари ва хатти-ҳаракатларини ўз ичига олади.

Боланинг ривожланиши устидан махсус конкрет одамлар: унинг ота-онаси, тарбиячилари, ўқитувчилари ва бошқалар раҳбарлик қилади. Бу одамларнинг дунёқарashi, талаблари, хатти-ҳаракатлари, меҳнатлари ёрдамида болага жамият талаби сингдирилади, бу ҳали кенг муҳит билан шахсан муносабатда бўлмаган гўдаклар учун айниқса муҳимдир.

6. Борлиқни инсон томонидан акс эттириш жараёни фаол жараён ҳисобланади. Боланинг ривожланиши объектив борлиққа ва ўзига фаол таъсир қилишда ўз ифодасини топади. Боланинг катталар томонидан йўналтирилган амалий фаолият: унинг ўйини ва кузатувчанлиги, меҳнати ва турли адабиётни мутолаа қилиши, ўзида туғилган саволлари турли даврларда ўзгара бориб, унинг руҳий ривожланишини кўрсатади.

7. Боланинг эгаллаган нутқи - кишиларнинг бир-бирлари билан алоқа қилиши, ҳиссий билиш жараёни, тафаккури ва амалий фаолиятини тубдан ўзгартириб юборади. Бу ўзгаришлар айниқса гўдаклик даврида яна ҳам сезиларли бўлади.

8. Руҳий ривожланиш шахснинг таркиб топиши караёнидир. Бу ривожланиш бир-бири билан боғлиқ бўлган қатор босқичлар ва фазаларни ўтайди. Бола ақлининг сифат ёки миқдорий даражаси уни ўраб олган кишилар билан сундалик қиладиган алоқаси ва фаолиятида юзага келади ва тараққий этади.

Болалар психологиясининг бошқа фанлар билан алоқаси

Болалар психологияси ўз предметини ўрганишда умумий психологиянинг инсон психикаси ҳақида қўлга киритилган ютуқларига асосланади. Масалан, умумий психологиянинг руҳий жараёнлар, психологик ҳолатлар, инсон шахси ва унинг фаолияти ҳақидаги таълимотларидан ўғридан-тўғри фойдаланилади. Ўз навбатида умумий психология ҳам болалар психологиясининг эришган ютуқларига асосланади. Умумий психология нормал тараққий қилган ёшдаги одамларнинг руҳий жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятларини ўрганар экан, бу жараёнлар ва хусусиятларнинг пайдо бўлиш қонуниятларини билиш керак бўлади. Руҳий жараёнлар ва шахсий психологик хусусиятларнинг турли ёшдаги болаларда пайдо бўлиши масаласи билан болалар психологияси шуғулланади. Демак, болалар психологияси билан умумий психология ўзаро боғлиқ фандир.

Болалар психологияси анатомия ва физиология фанлари томонидан қўлга киритилган ютуқлардан ҳам кенг фойдаланилади. Бунда, болалар психологияси, хусусан, болалар нерв системаси ва олий нерв фаолиятининг таълимотларидан фойдаланмай иш қўра олмайди. Болалар нерв системасининг нормал тараққиёти ва нормал ишлаши бола ривожланишининг муҳим шартларидандир. Шунинг учун болалар психологиясининг мутахассислари бола нерв системасининг умумий фаолияти ва тараққиёти масалалари билан бевосита таниш бўлишлари лозим.

Шунингдек, болалар психологияси педагогика фани билан ҳам яқин алоқадордир. Педагогика фани ёшларга таълим-тарбия бериш ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳақидаги фандир. Болалар психологияси

таълим-тарбиянинг мақсади, йўл-йўриқлари ва вазифаларига доир фикрларни педагогика фанидан олади ҳамда унга яқиндан ёрдам беради. Боланинг ақлий тараққиёти қонуниятларидан хабардор бўлиш турли ёшдаги болалар билан таълим-тарбия ишларни тўғри ташкил қилиш имкониятини беради.

Болалар психологияси болалар гигиенаси, болалардаги касалликларни ўрганувчи педиатрия ва болалар психопатологияси билан ҳам боқлиқдир. Бу фанлар болалар психологияси намояндаларига болалар руҳий тараққиётининг нормал бораётганини чуқурроқ билиш ва нормал тараққиётдаги бурилиш сабабларини аниқлаш имконини беради. Болалар психологияси эса, ўз навбатида, болаларнинг нормал руҳий тараққиётининг аниқлаб бериши билан бирга врачларнинг бола психологиясини янада яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради.

Болалар психологияси бола шахсини ва шахсий психологик хусусиятларининг таркиб топишини ўрганишда болалар адабиётидан, хусусан, автобиографик асарлардан кенг фойдаланади. Шундай қилиб, болалар психологияси болаларнинг мураккаб руҳий жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятларини ўрганишда бир қатор фанларнинг қўлга киритган ютуқларидан кенг фойдаланади ҳамда бу фанларга ҳам ўз предметларини чуқурроқ ўрганишларида яқиндан ёрдам беради.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Болалар психологияси фанининг вазифаларини сананг.
2. Онтогенез ривожланиш нима?
3. Болалар психологиясининг педиатрия, психогигиена, психодиагностика фанлари билан алоқаси.
4. Тараққиёт шартларини сананг ва изоҳлаб бering?

2-МАВЗУ: БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ ДИАГНОСТИК ВА ДИДАКТИК МЕТОДЛАРИ

РЕЖА:

1. Болалар психологиясининг методлари.
2. Бола тараққиётини “кўндалангига” ва “узунасига” ўрганиш.
3. Болалар психологиясида асосий методлар:
 - а) кузатиш ва уларнинг турлари;
 - б) эксперимент ва унинг турлари.
4. Болалар психологиясида ёрдамчи методлар:
 - а) социометрия, халқ ўйинларидан фойдаланиш;
 - б) тест;
 - в) анкета;
 - г) фаолият маҳсулларини ўрганиш;
 - д) суҳбат;
 - е) эгизаклар методи.

ТЎНЧ СЎЗЛАР:

Илмий диагностика мазмуни, метод, асосий методлар, кузатиш, бола тараққиётини “узунасига” ва “кўндаланги” га ўрганиш, лонгютид кузатиш, ёрдамчи методлар, фаолият маҳсуллари таҳлили, эгизаклар методи, халқ ўйинлари ва социометрия, диагностика воситалар, тестга қўйилган талаблар, сифат таҳлил, миқдорий таҳлил.

Болалар психологияси умумий психологиянинг махсус соҳаси бўлгани туфайли у ўз предмети, яъни турли ёндаги болаларнинг психик жихатидан тараққий этишини ўрганишда умумий психологиянинг деярли ҳамма методларидан фойдаланади. Умумий психологиянинг асосий методлари-кузатиш, эксперимент, суҳбат, фаолият маҳсулларини ўрганиш, анкета, кундалиик ва биографик материалларини ўрганиш, социометрия, тест ва шунинг каби методлардир.

Болаларнинг бутун ақлий ривожланиши ва психик тараққиёт уларнинг турли турдаги умуман фаолиятларида содир бўлади. Ада шунинг учун болалар психологияси юқоридаги

методларни болаларнинг асосий фаолиятларига мослаштириб қўлайди.

Бу ерда шундай савол туғилади: психологик методнинг ўзи нима? Психология фанидан метод конкрет руҳий ҳодисаларни ҳал қилишга қаратилган воқеаликни амалий ва назарий билиш усуллари мажмуидир. Бу психология методининг умумий таърифидир. Агар уни алоҳида соҳасига нисбатан ўрганадиган бўлсак, у пайтда метод айна шу фаннинг предметини текшириш, ўрганиш ва тушунтириб бериш усулларининг йиғиндисидир. Шу нарса алоҳида таъкидлаб кўрсатиш керакки, ҳар қандай метод маълум принципларига асосланмоғи керак.

Бу принциплар қуйидагилар:

а) табиат ва жамиятдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқликда ҳамда ўзаро муносабатда яшайди. Бирон нарса ёки ҳодиса билан боғлиқ бўлмаган, яъни яқка ҳолда яшайдиган нарса ёки ҳодиса бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас;

б) табиат ва жамиятдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисалар ҳар доим ҳаракатда, ҳаракатдан тўхтаб, қотиб қолган ҳеч нарса ва ҳеч бир ҳодиса бўлмайди ҳамда бўлиши ҳам мумкин эмас;

в) табиат ва жамиятдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисалар ҳар доим ўзгариб, камайиб ёки кўпайиб боради. Нарса ва ҳодисаларнинг миқдор жиҳатдан бундай ўзгариши дастлабки пайтларда билинар-билинамас бўлиши мумкин. Лекин, бориб-бориб, маълум бир нуқтага етганда бу миқдор ўзгаришлари сакраш йўли билан сифат ўзгаришларига ўтади. Яъни нарса ва ҳодисалар эволюцион тарзда (бирданига) ўзгариб кетади;

г) табиат ва жамиятдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёти асосида ички қарама-қаршиликлар кураши ётади, яъни ҳар қандай тараққиёт ички зиддиятларининг ҳал қилиниши жараёнида юзага келади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир фан соҳасининг методи ўз предметини ўрганиш ва текширишда ана шу принципларга асосланади.

Одамнинг барча руҳий жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятлари унинг ҳар кунги хилма-хил фаолиятларидан тараққий этади ҳамда намоён бўлади.

Одамнинг ҳеч бир фаолияти, хатти-ҳаракатлари ўз-ўзидан юзага келмайди. Ҳар бир фаолиятни юзага келтирувчи сабаблар (мотивлар) бўлади. Ана шу нуқтаи назардан олганда, руҳий жараёнлар ва шахс психологик хусусиятларини ўрганиш учун бу жараёнларни юзага келтирувчи сабабларни, яъни инсон фаолиятининг мотивларини ўрганиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, илмий тажрибалар асосида болалар психологиясида боланинг руҳий ривожланишини ўрганишнинг учта асосий принципи қарор топади. Булар бола психикасига объектив ёндошиш: ривожланишнинг сабабларини аниқлаш; бола психикасининг мақсадига мувофиқ таркиб топишини ўрганиш принципларидир.

1. Боланинг ривожланишини ўрганиш икки асосий шаклда:

а) "узунасига текшириш" ("продольного исследования") шаклида;

б) "кўндаланг кесиш" ("поперечный срез") шаклида олиб борилади.

Узунасига текширишда бола руҳий ҳаётининг бир қисми систематик кузатилади. Бундан асосий мақсад бола руҳий тараққиётининг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишдаги ўзгаришларни аниқлашдан иборатдир. Бундай тадқиқотларга Н.М.Шелованова ва Н.М.Фигуриналар раҳбарлигида олиб борилган илмий ишлар мисол бўла олади. Бу илмий ишда кундалик кузатишлар асосида ҳар бир боланинг хатти-ҳаракати қайд қилиб борилган ва шу тариқа болаларнинг туғилганидан бир ёшигача бўлган даврдаги ривожланиши ҳар томонлама таърифлаб берилган.

Бошқа бир илмий ишда боланинг барча руҳий хусусиятлари эмас, балки унинг алоҳида хусусияти текшириш предмети қилиб олинган. А.Н.Гвоздев ўзининг илмий ишида ўз ўғли нутқининг ривожланишини 8 йил давомида ўрганган. Ишда бола нутқидаги фонетик, грамматик ва синтактик ўзгаришлар аниқ қайд қилинган.

Бундай илмий ишларга боланинг ривожланиши қайд қилиб бориладиган кундаликларни киритиш мумкин. Лекин бундай кундаликлар салбий томонларга ҳам эгадир. Бу кундалик, одатда, ҳар вақт системага солинмайди, мақсадга мувофиқ ва объектив бўлмайди.

Бундай шаклдаги илмий ишларга, шунингдек, болани маълум давр ичида систематик ўрганиладиган экспериментал ишлар ҳам киради. Масалан, Н.И.Касаткина, Ц.П.Неманова ва бошқаларнинг ишларида болаларда вақтли боғланишларнинг пайдо бўлишини аниқлаш мақсадида туғилганига 2-3 кун бўлган болаларни уларда вақтли боғланишлар пайдо бўлгунича текширилган.

Шундай қилиб, узунасига ўрганишда бир бола ёки бир гуруҳ бола маълум вақт ичида узоқ текширилар экан.

А.Н.Леонтьевнинг психологияда маълум бўлган хотиранинг ривожланиши ҳақидаги тадқиқоти руҳий тараққиётни ўрганиш кўндаланг принципи асосида вужудга келади. Бу текширишда энг олдин маълум сондаги болаларнинг хотираси хусусиятлари аниқланган. Бу гуруҳ болаларнинг ёши 4 дан 16 ёшгача бўлган. Олинган фактлар асосида болалар хотирасининг умумий характери аниқланган.

II. Кузатиш методи. Болалар психологиясида субъектив кузатиш, яъни ўз-ўзини кузатиш методидан деярли фойдаланилмайди. Болалар психологиясининг асосий методларидан бири объектив, яъни болаларни ташқаридан кузатиб ўрганиш методидир. Тарбиячи ёки текширувчи психолог болаларнинг турли-туман фаолиятларини табиий шароитда системали тарзда кузатади. Бунда болалар хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларига доир характерини, моментларни қайд қилиб боради. Ҳар қандай кузатишнинг аниқ мақсади бўлиш керак. Бошқачароқ қилиб айтганда, тарбиячи болаларнинг хулқ-атворига ёки хатти-ҳаракатларига доир нималарни кузатмоқчи эканини олдиндан белгилаб олиши лозим. Масалан, болалар диққатининг барқарорлигини ёки тафаккур жараёнлари билан боғлиқ бўлган жиҳатларини таҳлил қила олиш қобилиятларини кузатишни олдиндан белгилаб олиш мумкин.

Шуни ҳеч вақт эсдан чиқармаслик керакки, кузатиш табиий шароитда олиб борилар экан болалар ўзларининг кузатилаётганлигини мутлоқ билмаслиги керак. Кузатишни болалар ўрганган тарбиячининг ўзи ўтказиши маъқул. Тарбиячидан болалар ҳадиксирамайдилар, ўз хатти-ҳаракатларини табиий шароитда бемалол намоён қила берадилар. Агар кузатишни болалар кўзи олдида бегона


одам олиб борса болаларнинг хатти-ҳаракатларидан табиийлик бузилади. Уларнинг хулқ-атворлари ва хатти-ҳаракатларини бегона киши кузатишига тўғри келса, у вақтда яширин кузатиш методидан фойдаланиш лозим. Бунда кузатувчи болаларга муқлақ кўринмайдиган жойдан туриб кузатиши мақсадга мувофиқ.

Болалар психологиясида кузатиш методидан фойдаланилганда болаларнинг турли ўйин фаолиятлари, дидактик машғулотлари ва кўриш, яшаш ҳамда ижтимоий машғулотларда хилма-хил руҳий жараёнларнинг намоён бўлиши ва қанча давом этиши каби моментларни қайд қилиш мумкин. Бунда турли ёшдаги болаларни бир-бирига таққослаб, улардаги руҳий жараёнларнинг тараққиёти ўрганилади.

Кузатиш методи узлуксиз ва у ёки бу фаолиятни танлаб, вақти-вақти билан ўтказилиши мумкин. Болаларни узлуксиз кузатиш методи билан ўрганилганда уларнинг барча феъл-атворлари ва хатти-ҳаракатлари кундалик фаолиятлари давомиде комплекс ҳолатда ўрганилади. Узлуксиз кузатиш бир неча кун, бир ёки бир неча ой давом этгандан сўнг тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб, болага психологик тавсифнома тузилади. Вақти-вақти билан танлаб кузатилганда боланинг барча хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари эмас, балки фақат маълум хусусиятлари, масалан, диққат ёки хотираси, бўлмаса, унинг нутқи билан боғлиқ бўлган томонлари ўрганилади.

Болалар психологиясида кузатиш методининг алоҳида тури болалар тараққиётини системали тарзда кундаликлар тузиб ўрганишдан иборатдир. Болаларнинг руҳий тараққиёти ҳақида кундаликлар тузиб ўрганиш яқиндагина расмий тусга кирган. Бола тараққиёти ҳақидаги биринчи кундалик XIX асрнинг иккинчи ярмида Ч.Дарвен томонидан нашр қилинган. Ундан сўнг немис психологи В.Штерн ва машҳур психологлардан Н.Н.Ладыгина - Котс, Н.А.Менчинская, В.С.Мухина ва бошқалар боланинг психик тараққиёти юзасидан системали тарзда олиб борган ўз кундаликларини нашр қилганлар.

Болалар руҳий тараққиётини ўрганишда қўлланадиган кузатиш методи ташқаридан қараганда жуда осон кўринсада, кузатувчидан кўп вақт ва билим талаб қиладиган мураккаб методдир.



Болалар психологиясида кенг қўлланиладиган иккинчи метод эксперимент методидир. Эксперимент методи кузатиш методига нисбатан актив метод ҳисобланади. Агар кузатиш методида у ёки бу психик жараённи қайд қилиш учун психолог шу психик жараённинг қачон ва қандай шароитда пайдо бўлишини пойлаб юрса, эксперимент методида мутлақо пойланмайди. Эксперимент методида у ёки бу психик жараён юзага келадиган шароитни текширадиган психологнинг, яъни экспериментаторнинг ўзи ташкил қилади. Бунда экспериментатор ўрганаётган психик жараёнларни болаларда бир неча марта юзага келтириб ўрганади.

Биз умумий психологиядан биламизки, эксперимент методи икки хил бўлади: Лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент. Болалар психологиясида экспериментнинг ҳар иккала туридан кенг фойдаланилади. Бироқ бу методлардан болалар психологиясида фойдаланишнинг ўзига хос томонлари шундаки, мактабгача тарбия ёшидаги ва хусусан, кичик ёшдаги болалар лаборатория шароитида ўтказиладиган экспериментлар билан табиий шароитда ўтказиладиган экспериментнинг унчалик фарқи бормайдилар. Ҳар иккала ҳолда ҳам тажрибалар вазифа тарзида эмас, балки ўйин тарзида ўтказилса яхши натижа беради. Масалан, кичик ва ўрта гуруҳ ёшдаги болаларга бири иккинчисидан биров узунроқ бўлган иккита таёқча кўрсатилиб, улардан қайси бири узунроқ эканлиги сўралса, болалар ҳеч эътибор бермай тасодифан биттасини кўрсата берадилар. Агар бундай фарқлаш ўйинга айлан-тирилса, болалар дарҳол эътибор билан қарайдилар. Чунончи, узунроқ таёқчани ҳаракат қилиб, ўйинга тушадиган айиқча ёки кучукчанинг механизмига тираб қўйилса, қисқароқ таёқчани топсангиз айиқча ўйинга тушади, дейилса диққат-эътибор билан қараб узун таёқчани топадилар.

Эксперимент методидан гуруҳлардан ўтказиладиган машғулотлар пайтида кенг фойдаланиш мумкин. Масалан, турли ёшдаги боғча болалари билан ўтказиладиган дидактик машғулотларда табиий эксперимент методини қўллаш мумкин. Бунда болаларга ҳар хил ҳайвонлар (от, сигир, қўй, эчки, туя каби), паррандалар (каптар, хўроз, товук, қарға, зағизхон, курка каби), мевалар (гилос, олча, олхўри, олма, нок, беҳи),

сабзавотлар (пиёз, шолғом, сабзи, картошка, карам, қовок, саримсоқ пиёз каби) тасвирланган расмли карточкаларни аралаш ҳолда бериб, уларни гуруҳларга ажратиш топширилади. Болалар бу нарсаларни қандай белгиларга қараб гуруҳларга ажратишларида уларнинг умумийлаштириш хусусиятларини ўрганиш мумкин. Одатда, гуруҳ шароитида ўтказиладиган бундай эксперимент табиий эксперимент деб юритилади.

Лаборатория ва табиий экспериментлардан ташқари болалар психологиясида таркиб топтирувчи эксперимент ҳам кенг қўлланилади. Таркиб топтирувчи экспериментнинг моҳияти шундан иборатки, бунда болаларга у ёки бу психологик хусусият таркиб топтирилади ва мустақамланади. Масалан, Боғча ёшидаги болалар айна бир вақтнинг ўзида бутунни ва унинг қисмларини тўла идрок эта олмайдилар. Улар ўз диққатларини ёки бир бутун нарсанинг ўзига, ёки унинг бўлақларига (қисмларига) қарата оладилар. Улар бир бутун нарсанинг айрим қисмларидан таркиб топганлигини тасаввур қила олмайдилар.

Таркиб топтирувчи эксперимент орқали болаларни бир бутун нарсани унинг қисмлари билан бир пайтда идрок қилишга ўрганилади. Бунинг учун болаларга бирбутун нарсанинг бўлақларини онларида бирлаштириб, бутун нарсанинг образини ярата олиш машқ қилдирилади. Бундай эксперимент ўтказишда турли геометрик фигуралар ва уларнинг бўлақларидан фойдаланиш мумкин, (доира, квадрат, куб, ромб ва шу кабилар).

Кузатиш ва эксперимент методлари болалар психологиясининг асосий методлари ҳисобланади лекин булардан ташқари бир қатор ёрдамчи методлар ҳам мавжуд. Масалан, маҳсулотларни ўрганиш методи, сўраш-суҳбат методи, социометрик ва тест методлари.

III. Фаолият маҳсулотларини ўрганиш методи ҳақида гап борар экан, болалар ҳам худди катта одамлар бошқа одамлар учун керак бўладиган ижтимоий фойдали меҳнат-ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлсалар, болалар ўз фаолиятларида деярли ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдилар. Боғча ёшидаги болаларнинг фаолиятлари ўйин, расм, чизиш, пластилин ёки лойдан бирон нарса яшаш, аппликация куриш яшаш ва шу кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Болалар, одатда, катта кишиларнинг топшириқ ва таклифлари билан маълум фаолиятига киришадилар. Айрим ҳоллардагина болаларнинг ўзлари мустақил равишда у ёки бу фаолиятни бажаришлари ҳар икки ҳолатда ҳам болалар фаолияти маълум натижага эга бўлади. Фаолият маҳсулоти болалар фаолиятининг натижасига қараб ўрганилади. Кўпинча болалар фаолиятининг маҳсули улар чизган расмларга, лой ёки пластилиндан ясалган нарсага қараб ўрганилади.

Маълумки, болаларнинг чизган расмларида улар идрокининг хусусиятлари ва онгида юзага келаётган турли тасаввурлар ҳамда атрофларидаги нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабатлари ўз ифодасини топади. Турли ёшдаги болаларнинг ишлаган расмларини таҳлил қилиш орқали уларнинг айна чоқдаги эҳтиёжлари, майл-истаклари, қизиқишлари, қобилиятлари ва лаёқатларини ҳам ўрганиш мумкин. Шу сабабли бу методдан ҳам болалар психиологиясида кенг фойдаланилади.

Сўраш-суҳбат методидан болалар психологиясида анча чекланган ҳолда фойдаланилади. Бу методни боғча ёшидаги болаларга нисбатан деярли қўллаб бўлмайди, чунки бу ёшдаги болаларда турмуш тажрибаси жуда оз, тафаккурлари ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Шу сабабли кичик ёшдаги болалар катталарнинг берган саволларига ўйламай-нетмай жавоб қайтараверадилар.

Сўраш методидан фойдаланилганда одатда жуда содда ишланган расмлардан фойдаланилади. Масалан, катта ва кичик қилиб ишланган айиқчалар, узоқ ва яқин қилиб ишланган уйлар, дарахт ва ҳоказолар. Болалардан қайси айиқча катта, қайси айиқча кичкина ёки қайси уй узоқ, қайси уй яқин, деб сўралади.

Беш-олти ёшли болаларга нисбатан суҳбат методини қўллаш мумкин. Бунда болалар билан ўтказиладиган суҳбатнинг мазмуни ва суҳбат пайтида болаларга бериладиган саволлар олдиндан яхшилаб ўйлаб олинади. Тайёргарчиликсиз тўсатдан ўтказиладиган суҳбатдан яхши натижа чиқмайди. Суҳбат методи орқали боғча ёшидаги катта болаларнинг билимларини, нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш ва теварак-атрофларидаги одамлар ҳамда турли нарсаларга бўлган муносабатларини ўрганиш мумкин.

Болалар психологиясида сўнги йилларда қўллана бошланган методлардан бири тест методидир. Тест сўзи инглизча бўлиб, сиқаш деган маънони билдиради. Тест методи орқали болаларнинг умумий ақлий тараққиёт даражалари ва айрим рухий жараёнларининг (тафаккур, хаёл, хотира каби) қанчалик ривожланганлиги аниқлаб таққосланади. Тест методи бошқа методларга қараганда бирмунча универсал ҳисобланади. Тест методи ёрдами билан болаларнинг ўз ёшларига нисбатан нормал тараққий этганликлари ёки орқада қолганликларини ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, тест методидида болаларга топшириладиган вазифалар бир неча вариант бўлиб, улар кучлари етган вариантдаги вазифаларни бажарадилар. Ҳар бир бажарилган вазифага балл системасида баҳо қўйиб борилади. Вазифалардан қанчасини бажарганлиги ва тўплаган балига қараб, болаларнинг ўртача тараққиёт даражаси белгиланади.

Қўлланиладиган тестлар орасида болаларнинг умумий ақлий тараққиёт даражаларини аниқлашга қаратилган интеллектуал тестлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Интеллектуал тестлар болаларга маълум бўлмаган вазифалардан тузилган бўлиб, улардан бутун ақлий имкониятларини ишга солишини талаб қилади. Болаларнинг ақлий тараққиёт даражаларини илмий равишда аниқлаш осон иш эмас. Болалар умумий ақлий тараққиётининг жуда кўп хусусиятлари мавжуд. Интеллектуал тестлар болаларга бериладиган вазифалар уларнинг умумий ақлий тараққиётларининг ислодаловчи энг муҳим хусусиятларини рўйбга чиқарадиган қилиб тузилиши керак. Агар интеллектуал тестларда бериладиган вазифалар болаларнинг ёш хусусиятлари ва конкрет тараққиёт даражаларига тўғри келмаса, болаларнинг ақлий тараққиётлари ҳақида мутлақо янглиш хулосаларга келиши мумкин? Боғча ёшидаги болаларга нисбатан қандай интеллектуал тестлардан фойдаланиш мумкин. Агарда тест вазифалари болаларнинг ўйин фаолиятлари билан боғлиқ бўлса, болалар бундай вазифаларни бажонудини бажарадилар. Масалан, бирон бутун нарсанинг майда бўлақларга ажратиш ташланган қисмларини бирлаштириш, майда бўлақчалардан мураккаб ва чиройли аппликациялар ясай олиш, турли лабиринтли суратлардан

эпчиллик билан тўғри йўлни топа билиш вазифаси ва ҳоказо тестлардан фойдаланиш мумкин.

Болалар психологиясида сўнгги йилларда қўлланила бошлаган методлардан яна бири социометрия методидир. Социометрик метод ёрдамида шахсларнинг коллективдаги муносабатлари масаласи ўрганилади. Болалар психологиясида эса социометрия методи ёрдами билан ҳар бир гуруҳда болаларнинг ўз тенгқурлари ўртасида юзага келаётган ўзаро муносабатлари ва уларнинг гуруҳда тутган мавқелари ўрганилади.

Социометрик метод ёрдами билан болаларнинг гуруҳдаги ўзаро муносабатларини (хусусан, бир-бирларини ёқтиришлари ёки ёқтирмасликларини) қуйидаги услубда ўрганиш мумкин. Гуруҳдаги болаларнинг ҳар бирини ечиниш хонасига чақириб, унга 4-5 чиройли қилиб ишланган ўйинчоқлар кўрсатилади, (масалан, чиройли машина, тойча, айиқча, тўппонча, қайиқча каби). Ана шу ўйинчоқлардан битта танлаб ўзингга ёққанини ол ва уни гуруҳдаги энг яхши кўрган ўртоғингнинг шкафига совға сифатида қуйиб қўй дейилади. Бола бироз ўйлаб тургач, яхши кўрган болаларидан бирининг шкафига қўйиб қўяди. Гуруҳдаги ҳамма болалар бу вазифани бажариб бўлганларидан сўнг энг кўп совға кимнинг шкафига қўйилганлиги аниқланади. Ана шу маълумотлар асосида болаларнинг гуруҳдаги ўзаро муносабатларига доир социограмма тузилади. Шкафдаги энг кўп совға (ўйинчоқ) қўйилган бола гуруҳнинг энг севимли ва шкафига бирорта ҳам совға қўйилмаган бола гуруҳнинг инкор қилган, яъни ёқтирмаган одами бўлиб чиқади.

Шундай қилиб, социометрик методни боғча ёшидаги болаларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ҳар бир тарбиячи ўз гуруҳидаги болаларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ривожланиш хусусиятларини, болалар психик тараққиётининг умумий қонуниятларини кузатиб аниқлаши зарур. Шу билан биргаликда тарбиячи болаларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлишининг тўғри йўл-йўриқларини белгилаш мақсадида ҳар бир боланинг индивидуал психологик хусусиятларини аниқлашга интилиш лозим.

Эгизаклар методи асосан руҳий тараққиётни юзага келтирувчи омилларни таҳлил қилиш мақсадида кенг қўлланилади. Эгизаклар методи: а) эгизакларни бир-биридан

айириш методи: б) жупт эгизаклар методи: в) эгизакларни назорат қилиш методларидан иборат. Шу усуллар ёрдамида шахс шаклланишида намоён бўладиган ирсий (генотип) ва ижтимоий муҳит (фенотип) таъсирида юзага келувчи хусусиятлар тадқиқ этилади. Эгизаклар методи албатта бола туғилганидан сўнг дастлабки ойлардан бошлаб олиб борилади. Маълумки, эгизакларнинг 2 та монозигот ва дизигот типлари мавжуд. Монозигот (МЗ) бўлиб, у бир тухум хужайраларда ривожланади, бир сперма маҳсули, биринчи бўлиниши босқичида иккита ўхшаш генетик организм бир жойда иккита эмбрионал структурага эга бўлган бир тухум хужайрадан ташкил толади.

Иккинчиси дизигот (ДЗ) бўлиб, генлар нуқтаи назаридан оддий ака-ка ва опа-сингиллар, яъни икки тухум хужайраларда ривожланган иккита сперма маҳсули ҳисобланади.

Эгизакларнинг бу типлари руҳий тараққиётдаги ирсий ва ижтимоий омилларни ўрганиш учун катта имкониятлар беради.

Тарбиячи айтиб бериш вақтнинг ўзида гуруҳдаги ҳамма болаларнинг хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворларини ўргана олмайди. Шунинг учун у диққат - эътиборини бир неча кун давомида у ёки бу болага қаратиб уни бир томонлама чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилиш керак. Шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, болаларни ўрганишнинг қатъий ва конкрет мақсади бўлиши керак. Болаларнинг барча хусусиятларини бирдамега ўрганиб бўлмайди. Болаларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, майл ва истаклари, қобилиятлари, диққатлари, нутқ ҳамда тафаккурлари хусусиятларини биринкетин шошмасдан ўрганиш лозим.

Тарбиячи кундалик иш шароитида болаларни ўрганар экан у кузатиш, эксперимент ва юқорида кўрсатилган барча ёрдамчи методлардан фойдаланиши мумкин. Тарбиячилар болаларни асосан ўйин, экскурсия машғулоти ва бошқа фаолияти жараёнида кузатиб ўрганадилар. Тарбиячи болаларнинг умумий психик тараққиётлари ва психологик сифатларини турли фаолиятлар жараёнида ўрганиб улар ҳақида тўла маълумотларга эга бўла олмайди. Тўла маълумотга эга бўлиши учун тарбиячи боланинг уй шароитида, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларига доир

маълумотлардан ҳам хабардор бўлиши шарт. Тарбиячи ҳар бир боланинг феъл-атвори ва хатти-ҳаракатларига доир кузатган фактларни ёзма равишда қайд қилиб бориши ва ҳар бир болага мактабга чиқиш олдидан тўла психолог-педагогик тавсифнома тузиши лозим.

3-МАВЗУ: ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ ШАРТЛАРИ

РЕЖА:

1. Тараққиёт тўғрисидаги таълимотлар ва тасаввурлар.
2. Психик тараққиётнинг асосий қонунлари.
3. Шахснинг шаклланишида тарбиянинг роли.
4. Ирсий хусусиятлар психик тараққиётнинг дастлабки шарти.
5. Бола психик тараққиёти ва ташқи муҳит.
6. Бола психик фаоллиги тараққиёт шартидир.
7. Ижтимоий тажрибаларни эгаллаш ва психик тараққиёт.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Тараққиёт, онгнинг “ижтимоий - тарихий” шароити, биогенетик, социогенетик, ирсий хусусиятлар, ижтимоий тажрибани эгаллаб олиш, боланинг шахсий фаоллиги, А.С.Выготский “маданий-тарихий тажриба” ларни эгаллаш ҳақида.

Бола руҳиятини тараққиёти ҳақида фикр юритишдан олдин тараққиётнинг туб моҳиятини тушуниб олиш лозим. Ривожланишни тушунтириш учун “ўсиш” ва “тараққий этиш” сўзларидан фойдаланилади. Масалан, боланинг жисмоний ўсиши ва руҳий тараққий этиши дейилади. Ўсиш билан тараққиёт тушунчалари айнан бир маънони англатувчи тушунчалар эмас. Ўсиш миқдорий жиҳатидан ортиш, улуғлаш демакдир. Тараққиёт эса, фақат миқдорий эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ўзгаришни қамраб олади. Шунинг учун оддий ўсишга нисбатан тараққиёт анча мураккаб жараён дидир. Тараққиёт оддий миқдорий ортишдан ташқари бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш билан ҳам боғлиқдир. Ана шунинг учун

тараққиётнинг туб моҳитидан яхши хабардор бўлмай туриб мураккаб жараёни тушуниш қийин бўлади.

Тараққиёт қандай қилиб яъни қандай омиллар асосида юзага келади? Тараққиётнинг асл моҳиятини тушуниш энг муҳим масаладир.

Тараққиёт қарама-қаршиликлар курашининг натижасидир. Бу илмий йўналиш бўлиб, тараққиётнинг сабабларини ҳал этади. Организмнинг хусусиятлари билан ташқи муҳит шароити ўртасида доимо келиб чиқадиغان зиддият, яъни қарама-қаршиликлар тараққиётни вужудга келтиради. Ўзгариб турган ташқи муҳит шароити организмга тобора янги талаблар қўяди: организм янги шароитга мослашар экан, янги сифатлар ҳосил қила боради, яъни тараққий этади.

Боланинг руҳий тараққиёти ҳам қарама-қаршиликлар кураши асосида юз беради. Бу ўринда қандай қарама-қаршиликлар боланинг руҳий тараққий этишига сабаб бўлади, деган савол туғилади. Боланинг руҳий тараққиётини юзага келтирувчи қарама-қаршиликлар асосан қуйидагилардан иборат:

1. Боланинг шу чоққача эришган ютуқлари даражаси, имкониятлари билан янги эҳтиёжлар ўртасида туғиладиغان қарама-қаршилик. Соддароқ қилиб айтганда, боланинг эҳтиёжлари тез ортиб боради, аммо бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари жуда секин юзага келади. Натижада боланинг хилма-хил эҳтиёжлари ва тор имкониятлари ўртасида жиддий зиддият юзага келади. Бола ана шу зиддиятни, ана шу қарама-қаршиликни ҳал этиш жараёнида руҳий жиҳатдан тараққий этади. Масалан, ясли ёшидаги боланинг эндигина тили чиқаётган бўлади. Унинг сўз бойлиги деярли бўлмайди. Бундан ташқари улар сўзни тўғри талаффуз эта олмайдилар. Шунинг сабабли бу ёшдаги болаларнинг тилини ҳамма бемалол тушуна олмайди. Лекин боланинг мустақил юра олиши, ўзгаларнинг нутқиغا тушуниши унга бошқаларнинг активроқ муносабатда бўлиш эҳтиёжини юзага келтиради. Бироқ, боланинг ҳозирги тараққиёт даражаси, имкониятлари, яъни сўз бойлигининг ниҳоятда озлиги, талаффузи, қийналиши атрофдагилар билан фаолроқ муносабатда бўлиш эҳтиёжини қондира олмайди. Боланинг фаол муносабатга интилиши билан имконияти йўқлиги

ўртасидаги қарама-қаршилик нутқи тез ўзлаштириш жараёнида ҳал этилади. Бунинг натижасида бола руҳий жиҳатдан маълум тараққиётга эришади. Боланинг имкониятлари ана шу тариқа ошиб борган сари эҳтиёжлари янади кўпайиб бораверади.

2. Боланинг эски хулқ-атвор шакллари янги хатти-ҳаракатлари, боланинг кичик давридаги асосий фаолияти катталарга тақлид қилишдан иборат бўлади. Тақлидий ҳаракатларда мустақиллик, ташаббускорлик деярли бўлмайди. Бола ўсиб улғайган сари унинг ўз шахсий тажрибаси, мустақиллиги, ташаббуси ортиб боради. Бола ҳар бир ҳаракатни мустақил ўзи билганича бажаришга (ташаббус кўрсатишга) интила бошлайди. Бунда боланинг кўпдан бери ўрганиб қолган тақлидий (бир қолипдаги) ҳаракатлари билан мустақил ва ташаббускорона ҳаракатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келади. Бу қарама-қаршиликни ҳал этиш жараёнида, одатланиб қолган тақлидий ҳаракатларини енгиб, мустақил ҳаракат шаклларига ўтиш жараёнида бола руҳий жиҳатдан тараққий этади.

Қуруқ тақлид билан боғлиқ бўлмаган мустақил ва эркин ҳаракатлар болаларга бир қатор янги малака ва одатларни ўзлаштириш ҳамда ўз шахсий ҳаёт тажрибаларида қўллаш имконини яратади. Шу тариқа ташаббус кўрсатиш орқали ўзлаштирган тажриба ва билимларини янги шароитларга татбиқ қилишга ўргандилар.

3. Бола ҳаётининг мазмуни билан унинг шакли ўртасида майдонга келадиган қарама-қаршилик. Одатда, ҳаётнинг мазмуни унинг шаклидаги бир оз олдинда боради. Масалан, бола боғчага қатнай бошлашдан олдин оиладаги ҳаёт шароитига одатланган бўлади. Боғчага келгандан кейин эса, у ўзи учун тамомила янгича бўлган коллектив ҳаётининг талаб ва қоидаларига дуч келади. Боғчага янги келган бола янги шароит ва талабларга дарҳол кўника олмайди. Боланинг оиладаги хулқ-атвори, туйғу ва ҳиссиётлари боғча ҳаётига тўғри келмай қолади. Натижада оиладаги ҳаёт мазмуни билан боғчадаги, янгича ҳаёт мазмуни ўртасида қарама-қаршилик юзага келади. Бола янгича ҳаёт мазмунини ўзлаштириш жараёнида бу қарама-қаршиликни енгиб, руҳий жиҳатдан янада тараққий этади. Шу тариқа унинг шахсий, ҳаёт тажрибаси ҳам ортиб боради.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, тараққиёт, жумладан, боланинг руҳий тараққиёти жуда мураккаб жараён дир. Лекин бола руҳий тараққиётининг кечиши қанчалик мураккаб бўлмасин, унинг қонуниятларини болалар психологияси фани билан олиб бера олади.

Боланинг руҳий тараққиётини таъминловчи асосий омиллар масаласини психология фани илмий равишда ҳал қилиб беради.

Психология нисбатан назаридан боланинг руҳий тараққиёти уч асосий омилнинг фаол таъсири туфайли юзага келади. Бу омиллар: 1) болага туғма равишда бериладиган айрим наслий хусусиятлар, 2) бола туғилиб ўсадиган ижтимоий муҳит, 3) болага узоқ муддат давомида конкрет дастур асосида узлуксиз бериладиган таълим - тарбия.

Наслий йўл билан одамга туғридан-туғри бир қатор ташқи аломатлар, ташқи хусусиятлар билан бир қаторда ўзига хос руҳий хусусиятлари (мижоз, айрим қобилият) ўтиши мумкин. Масалан, болалар ўз ота-оналарининг ташқи жисмоний белгиларини, яъни бўй-бастини, кўзи ва сочининг рангини, юз тузилишини ва шу қабиларни наслий йўл билан мерос қилиб олади. Одамнинг психик тараққиётига (сезиларли, идроки, хотира, тафаккури, иродаси ва қобилиятига) хос хусусиятларининг айрим жиҳатлари ҳам наслий йўл билан туғма равишда туғридан-туғри берилади. Наслий йўл билан бериладиган туғма хусусиятлар психик тараққиётга таъсир этади. Наслий йўл хусусиятларнинг психик таъсири шундан иборатки, айрим руҳий жараён ёки руҳий хусусиятларнинг анатомик-физиологик куртаклари наслга ўтади. Лекин психик тараққиёт билан боғлиқ бўлган анатомик-физиологик куртаклари одамга имконият тарзида берилади. Ҳар қандай имконият ҳам воқеаликка айлана бормади, яъни рўёбга чиқавермайди. Ижтимоий - тарихий шароит ва тарбия системаси ноқулай бўлса, имконият тарзидаги куртаклар қобилиятга айланмай йўқолиб кетиши мумкин. Ана шунинг учун одамга наслий йўл билан берилган имконият тарзидаги куртаклар тегишли шароитда бўлгандагина рўёбга чиқади. Демак, одамга имконият тарзида берилган наслий хусусиятларнинг ўзи ўзи тегишли муҳит билан боғланмаса, бола психик тараққиётида деярли бирон хал қилувчи аҳамиятга эга бўла олмайди.

Боланинг рухий тараққетида ташқи муҳитнинг таъсири жуда катта аҳамиятга эгадир. Бола туғилган кунидан бошлабоқ ижтимоий муҳитда, яъни одамлар қуршовида яшай бошлайди. Ижтимоий муҳит деганда биз даставвал оила муҳитини тушунамиз. Лекин “муҳит” сўзидан одамнинг бутун мамлакати (ватани) билан боғлиқ, бўлган ҳаёт шароити тушунилади. Тор маънодаги “муҳит” сўзидан асосан одамнинг оилавий турмуш шароити ва теварак-атрофдаги ижтимоий ҳаёт тушунилади.

Психология фани ижтимоий боғлиқ онгни белгилайди, деган асосий қоидага таянади. Унинг маъноси шуки, моддий ва ижтимоий ҳаёт шароити одамларнинг фикри, сезгилари, хатти-ҳаракатларининг ҳамда шахсий сифатларининг ҳосил бўлишини белгилаб беради.

Бола ўз табиатига кўра жуда тақлидчан бўлади. Тақлидчанлик бола рухий тараққиётини белгиловчи омиллардан биридир. Бола ҳар доим ўз оиласидаги катта одамлар қуршовида яшар экан, у ҳамиша ана шу ўзига яқин одамларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилади. Тақлид қилиш орқали ҳар хил инсоний муносабатлар ва фазилатларни ўзига аста-секин сингдириб боради. Ташқи муҳитнинг, яъни оила муҳитининг бола психикасига таъсири нутқи (тил) тараққиётида жуда яққол кўринади. Нутқ болага туғма равишда, яъни тайёр ҳолда наслий йўл билан берилмайди. Лекин нутқнинг ривожланиши учун имкониятлар туғма мавжуд бўлади. Бола туғилишдан бошлаб қайси нутқ муҳитида яшаса, ана шу нутқда гапирадиган бўлади. Масалан, тожик боласи ўзбек оиласида ўсса, ўзбек тилида ва аксинча ўзбек боласи тожик оиласида яшаса, тожик тилида гапирадиган бўлади. Бола ўсган сари муҳит доираси ҳам кенгая боради. Теварак-атрофдаги қуршов (даставвал оила, ҳовли, кўча, маҳалла, қишлоқ)дан секин-аста кенгая бориб, шаҳар, вилоят, республика ва бутун мамлакат миқёсига ўтади. Ана шунга мос равишда ижтимоий муҳитнинг болага таъсири манбалари ҳам борган сари кенгая ва кўпая боради. Бола оила доирасидан ташқарига чиққандан сўнг унга ўзгалар ҳам таъсир эта бошлайдилар. Бола энди фақат ўз оиласидаги катта одамларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларигагина эмас, балки яқин атрофдаги бошқа одамларнинг, ўз тенгқурларининг хулқ-атворлари ва хатти-ҳаракатларига ҳам

тақлид қила бошлайди. Ана шу тариқа ижтимоий муҳит боланинг психикасига бўлган таъсирини кенгайтириб боради.

Шундай қилиб, ирсий ва ижтимоий муҳит болалар психикасининг тараққий этишига фаол таъсир этадиган энг муҳим омиллардан биридир. Шунингдек, боланинг психик тараққиётида таълим ва тарбия ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, болаларнинг руҳий тараққиётига биринчи навбатда ирсият ва ташқи муҳит таъсир этса, иккинчи навбатда болага узоқ муддат давомида системали равишда бериладиган таълим ва тарбия кучли таъсир этади. Ҳозирги вақтда оиладаги тарбия ишлари таълим-тарбия муассасаларидаги ишлари билан бирга қўшиб олиб борилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, болага жуда ёшлик чоғидан бошлаб қатъий дастур асосида иджимоий таълим-тарбия берила бошланади.

Бола гўдаклигида яслида, ундан сўнг боғчада ва ниҳоят мактабда узлуксиз суратда таълим ва тарбия олади. Бундай узоқ муддатдаги махсус ижтимоий таълим ва тарбия боланинг психик тараққиётига таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун боланинг умумий психик тараққиёти кўп жиҳатдан таълим-тарбиянинг таъсирига боғлиқдир.

Боланинг психик тараққиёти билан ижтимоий таълим-тарбия ўртасидаги муносабат масаласи болалар психологияси учун жуда муҳим масала ҳисобланади. Бу масалани ҳал қилишда турлича қарашлар мавжуддир. Кўпгина олимлар психик тараққиёт билан боғлиқ бўлган бу масалани ҳам ўз манфаатлари юзасидан ҳал қилишга уринадилар. Ана шу мақсадда улар боланинг психик тараққиёти билан ижтимоий таълим-тарбия ўртасидаги муносабатга доир уч хил назарияни вужудга келтирганлар: 1) ижтимоий таълим-тарбия билан боланинг психик тараққиёти ўртасида ҳеч қандай муносабат йўқ. Психик тараққиёт ўз йўлича, таълим-тарбия ўз йўлича бораверади, деган фикрни илгари сурадилар. Бундан кўзланган асосий мақсад бола психик тараққиёти тажрибага (ижтимоий ҳаёт тажрибасига) боғлиқ эмаслигини, яъни психик тараққиёт наслий йўл билан содир бўлишини исботлашга уринишдан иборатдир.

Боланинг психик тараққиёти билан ижтимоий таълим-тарбия ўртасидаги муносабатни тушунтиришга интилувчи

назариялардан иккинчиси болага таълим-тарбия бериш, уни психик жиҳатдан тараққий эттиришдир, яъни таълим-тарбия билан психик тараққиёт ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, булар айнан бир нарсалардир. Бу назария икки жараёни аралаштириб бир-бирига тенглаштириб кўяди, яъни таълим-тарбия жараёни ўрганилса, психик тараққиёт жараёни ҳам ўрганилган бўлади, деган хулосага олиб келади. Бу назария бир томонлама назария бўлиб, бутун эътиборни билиш фаолиятига қаратади-ю, аммо шахсий фазилатларнинг юзага келиши ҳисобга олинмайди. Бундан ташқари, психик тараққиёт билан таълим-тарбия жараёнини бир нарса деб қараш билан одам онгининг роли, одам шахсини таркиб топтирувчи ижтимоий муҳит ва индивидуал амалий ҳаётнинг роли камситилади ёки батамом инкор қилинади.

Боланинг психик тараққиёти билан ижтимоий таълим-тарбия ўртасидиги муносабатни тушунтиришга интилувчи назариялардан учинчиси болага таълим-тарбия бериш ва психик тараққиёт гарчи бошқа-бошқа жараёнлар бўлса ҳам бир-бирига мос келадиган, яъни бир-бирига таъсир ўтказадиган жараёнлардир деб қарайди. Бу назария ўз моҳияти жиҳатидан дастлабки икки назарияни келтиришга уринади. Ана шу мақсадда бу назария нерв системасининг етилиши ва таълим-тарбия жараёнларининг ўзаро боғланишини ҳамда бир-бирига таъсир этишини аниқламоқчи бўлади. Невр системасининг етилиши таълим жараёнини амалга ошириш учун замин ҳозирлайди. Таълим эса, ўз навбатида, нерв системасининг янада етишини кучайтиради. Бу назария икки жараённинг, яъни бола психик тараққиёт билан таълим-тарбиянинг бир қатор ўзаро боғланганлигини эътироф этиши билан бу масалани ҳал қилишда олдиндан қараб қўйилган бир қадам дейиш мумкин. Аммо бу назария бола психик тараққиёти билан таълим-тарбиянинг бир қадар ўзаро боғланганлиги мавҳум (конкрет шароит билан боғламай) равишда, яъни ижтимоий муҳит таъсиридан ташқари тарзда эътироф этади.

Йирик психолог Л.С.Виготский фикрига кўра, таълим-тарбия жараёни тараққиёт жараёнига мос келмайди. Бола ижтимоий тажрибани таълим-тарбия жараёнида ўзлаштириб, ривожланади. Демак, таълим-тарбия жараёни ҳар доим психик тараққиётдан бир қадам олдинда боради. Таълим-

тарбия жараёни боларнинг психик тараққиёти учун шароит яратиб, замин ҳозирлариди, яъни ижтимоий таълим-тарбия жараёни психик тараққиётни ўз кетидан эргаштириб боради.

Л.С.Выготский таълим-тарбиянинг фаол таъсири билан юзага келадиган психик тараққиётнинг иккита зонасини (босқичини) белгилаб беради. Бу зоналардан биринчиси психик тараққиётнинг яқин зонаси бўлса, иккинчиси психик тараққиётнинг реал зонаси асидир. Унинг тушунтиришига кўра, психик тараққиётнинг яқин зонасида боланинг психик тараққиёти катта одамларнинг (ота-оналар, тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг) беҳисита ёрдами раҳбарлиги асосида амалга оширилади. Боланинг гўдаклик, яъни ясли, боғча ва кичик мактаб ёшидаги даврлари психик тараққиётнинг яқин зонасига тўғри келади. Психик тараққиётнинг реал зонасига келсак, бу зона муайян даврда боланинг катта ёшдаги кишилар ёрдамисиз мустақил ҳаракат қила олиш билан ифодаланади. Психик тараққиётнинг реал зонаси ўзлаштирилган билимлар, кўникма ва малакалардан мустақил фойдаланиш босқичидир. Психик тараққиётнинг реал зонасига боланинг ўсмирлик ва ўспиринлик даврлари тўғри келади. Бу даврда болаларнинг таълим жараёнига бўлган муносабатлари тубдан ўзгариб, улар турли нарсаларга нисбатан танлаш муносабатида бўла бошлайдилар. Ўсмир болаларда қизиқиш ва қўғунёқараш каби шахснинг мураккаб сифатлари таркиб топа бошлаши туфайли турли соҳаларга доир билимларни мустақил ўзлаштирига уриниш юзага келади. Ваҳоланки, таълим-тарбия психик тараққиётдан бир қадам олдинда бориб, психик тараққиётга замин ҳозирлар экан, тўғри йўлга қўйилган таълим-тарбия жараёни ҳамма ўқувчилар мустақил тафаккур қилишга, табиат ҳамда жамиятдаги нарса ва ҳодисаларга доир қонуниятларни билиб олишга ёрдам беради.

Ана шу босқич нуқтаси назаридан таълим-тарбия ишлари давомида боланинг ҳозирги вақтда қандай билим, кўникма, малакалар ва характер сифатларига эга эканлигини ва яқин келажакда қандай билим, кўникма, малакалар ва шахсий сифатларга эга бўла олаётганини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Таълим-тарбия жараёнида тараққиётнинг шу икки босқичини таққослаб, боланинг шу заминдаги ривожланиш даражаси ва

келажакдаги ривожланиш имкониятлари ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Психик тараққиёт реал зонасига боланинг ўсмирлик ва ўспиринлик даври тўғри келади. Бу даврда болаларнинг таълим жараёнига бўлган муносабатлари тубдан ўзгариб, улар турли нарсаларга нисбатан танлаш муносабатида бўла бошлайдилар. Ўсмир болаларда қизиқиш ва дунёқараш каби шахснинг мураккаб сифатлари таркиб топа бошлаши туфайли турли соҳаларга доир билимларни мустақил ўзлаштиришга уриниш юзага келади. Олдиндан бориб, психик тараққиётга замин ҳозирлар экан, тўғри йўлга қўйилган таълим-тарбия жараён ҳамма ўқувчиларни мустақил тафаккур қилишга, табиат ҳамда жамиятдаги нарса ва ҳодисаларга доир қонуниятларни билиб олишга ёрдам беради.

Ана шу босқич нуқтаи назаридан таълим-тарбия ишлари давомида боланинг ҳозирги вақтда қандай билим, кўникма, малака ва характер сифатларига эга эканлигини ва яқин келажакдаги қандай билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўла олишини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Таълим-тарбия жараёнида тараққиётнинг шу икки босқичини таққослаб, боланинг шу пайтдаги ривожланиш даражаси ва келажакдаги ривожланиш имкониятлари ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Психик тараққиётнинг мазмуни ташқи фаолият турлари секин-асталик билан ички психик ҳаракатларига айланишдан иборатдир. Шунинг учун болани маълум иш-ҳаракатларни ёки фаолият турларини ўзлаштиришда уларнинг эҳтиёжларини ва қизиқишларига мос келадиган фаолият турларидан бирига жалб қилиш керак.

4-МАВЗУ: ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁШ ДАВРЛАРГА БЎЛИНИШИ. КРИЗИСЛАР МАСАЛАСИ

РЕЖА:

1. Ўрта Осиё мутафаккирларининг ёш даврлар ҳақидаги илмий қарашлари (Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқалар).

2. Жаҳон психологларининг асарларида ёш даврлар масаласининг ёритилиши (XIX аср охири-XX аср бошлари).

3. Ёш даврларни табақалаш (периодизация) назариялари ҳақида.

4. Ёш даврлар инқирози масалалари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари.

5. Календар ёш ва психик тараққиёт даражаси.

“Вундеркинд” лар ва тараққиётда орқада қолган болалар.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

ёш босқичлар, календар ёш, инқирозлар, ёш даврларни табақалаш, Выготский Л.С., Блонский П.П., Ибн Сино.

Олдинги машғулларимизда биз сизлар билан психик тараққиётнинг дастлабки шартлари, ирсий хусусиятлар, ижтимоий муҳит, ижтимоий тажрибаларни эгаллаб олишнинг аҳамияти, фаолият ва онда бола активлигининг зарурлиги тўғрисида батафсил фикрлашиб тараққиёт ва ривожланиш терминларининг луғовий маъноси ҳақидаги турли қарашларни таҳлил қилган эдик. Бугун эса психик тараққиётнинг ёш даврларга бўлиниш фарқи ва бу муаммонинг илмий ҳал этилиши ҳолати ҳақида суҳбатлашамиз.

Ҳар бир ёш даври доирасида катта ва ўзига хос индивидуал фарқлар мавжуд. Бу фарқлар, биринчидан, ҳаёт, фаолият ва тарбия шароитларининг индивидуал вариантлари натижаси, иккинчидан эса табиий-индивидуал фарқлар натижаси ҳисобланади.

Психик тараққиётнинг ёш даврларга бўлиниши муаммоси жуда узоқ вақтдан буён кўпчилик олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Турли даврларда бу муаммо турлича ҳал этилган ёки ҳал этишга уринишлар бўлган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XVII-XVIII асрлардаёқ турли йўналишдаги манбаларда бу муаммо ҳақидаги баъзи фикрларни учратишимиз мумкин.

Ўтган аждодларимиз ёшлар психологиясининг муаммоларини изчил ва атрафлича, муайян бир йўналишда, маълум концепция асосида ўрганмаган бўлсалар ҳам, улуғ мутафаккирларимиз асарларида ёш даврлар ҳолатларининг

акс этиши, намоён бўлиши, ривожланиши ва ўзгаришлари тўғрисида қимматли фикрларни билдирганлар.

Бизгача етиб келган бадиий асарлар, манбалар чуқур ўрганиб ёш даврлар психологиясида тааллуқли маълумотларни турли даврларда яшаб ижод этган шоир ва ёзувчилар асарларида, Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий асарларида ҳамда махсус ижодкор кишиларнинг муайян шахсга бағишлаб ёзган ўғит, насихат ҳамда ҳикояларида кўришимиз мумкин.

Абу Наср Форобийнинг инсон ва унинг психикаси ҳақидаги ахлоқий фалсафий мушоҳадалари “Идеал шаҳар аҳолисининг фикрлари”, “Масалалар моҳияти”, Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар”, “Жисм ва акциденцияларнинг шаклларга қараб бўлиниши”, “Шарҳлардан”, “Ҳикмат маънолари”, “Ақл маънолари тўғрисида” каби бир қатор асарларида баён этилган. Яқин йилларгача Форобий психологик қарашлари бизга қоронғу эди. Кейинги йилларда Форобийнинг нафақат файласуф, мутафаккир, балки йирик психолог сифатида, илмий қарашлари ўрганилмоқда.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ўтмиш ёдгорликлари” китобида инсон ҳаётига доир хилма-хил маълумотларни келтиради. Шу жумладан, олим кишиларнинг жисмоний тузилиши, умрларнинг узун-қисқалиги тўғрисида билдирган мулоҳазалар диққатга сазовордир. Беруний одам узоқ вақт яшашининг сабабини биологик ва ирсий омиллар билан боғлайди. Бу жиҳатдан унинг “Ҳиндистон”, “Минералогия” асарлари, Ибн Сино билан ёзишмалари алоҳида аҳамиятга эга.

Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида организмнинг тузилиши, ундаги нервлар ва нерв йўллари, ёш ўзгариши билан боғлиқ бўлган физиологик ва руҳий ўзгаришлар ҳақида анча муҳим маълумотларни келтирган. Унинг “Одоб ҳақида” рисола ҳам инсон шахсини шакллантириш комил инсонни тарбиялаш муаммоларига бағишланади.

Алишер Навоийнинг “Ҳазойинул маоний”, “Маҳбубул қулуб” ва бошқа асарларида етук баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, инсонларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида мулоҳазалар юритган. Ана шу психологик категориялар ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

А.Навоий асарларида шахснинг камол топиши учун ота-онанинг роли, аёлларнинг ифбатлиги, шижоат, инсонпарварлик туйғулари, ихсоний ҳаёлот, инсоннинг мураккаб ички кечинмалари моҳирона ёритилган.

Юқоридагилардан ташқари, Бобур, Машраб, Гулханий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Бедил, Завқий, Ҳамза, Авлоний ва бошқаларнинг ёшлар тарбиясига, ахлоқ-одоб, феъл-атвор оилавий ҳаёт масалаларига, шахслараро муносабатларга доир қарашлари ҳам турли жанрлардаги асарларда ихчам баён қилиб берилган.

Шундай қилиб, бу даврлар психологияси ҳақидаги қимматли фикрлар XVII-XVIII асрлардаёқ бизнинг бобокалонларимиз томонидан атрофлича ўрганилган эди, десак хато қилмаймиз.

Бу муаммо кейинчалик, яъни XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россияда психологик тадқиқот намуналари, Шарқ ва Ғарб маданияти таъсирида инсон руҳияти билан боғлиқ қатор оғзаки ва ёзма, амалий ва илмий тушунчалар билан бойитилди. XVIII асрдан бошлаб болалар психологияси соҳасида муайян тартибга, йўналишга ва услубга эга бўлган фикрлар вужудга келди.

Рус физиолог И.М.Сеченов психикасининг рефлексор хусусиятини кашф қилиб, инсонларнинг билиш жараёнлари, ҳис-туйғулари, ўзи-ўзи англашининг физиологик механизмини илмий асосда тушунтириши фан оламида кескин ўзгариш ясади.

И.П.Павлов кашф этган қатор қонуниятлар, хоссалар, иккинчи сигналлар системаси ҳақидаги таълимоти экспериментал ишларни олиб боришда пухта замин ҳозирлайди.

И.М.Сеченов, И.П.Павлов ғояларига асосланган П.О.Эфруси, Н.Е.Рибников, К.Н.Корнилов, П.П.Блонский, Л.С.Выготский ва бошқа олимлар ёшлар физиологияси бўйича қимматли тадқиқотларни амалга оширдилар ва янгидан-янги қонуниятларни яратдилар.

XIX аср охири-XX аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда ёш психологияси ва педагогика, психология фанларида илмий тадқиқотларга асосланган қатор асарлар пайдо бўлди.

Америкалик психолог У.Жеймс “Ўқитувчилар билан психология тўғрисида суҳбат” (1902) асарида ёш даврининг хусусиятлари ҳақида илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни чуқур таҳлил қилди.

К.Бюлер хоним (1879-1963) ўзининг илмий тадқиқотларида фаолиятнинг ҳар хил ёш даврлардаги ролини, фаолият турларида фантазия, тафаккур, нутқ жараёнларининг ривожланишини, ақлий фаолият ҳамда унинг ривожланиш босқичларини, шахснинг шаклланишида биологик ва ижтимоий омилларнинг аҳамиятини изчил ўрганди. Мазкур соҳада тубдан фарқланувчи ғоялар, назариялар юзага келди. Масалан, америкалик психолог С.Холл (1844-1924) Геккелнинг эволюция қонуниятини психологияга бевосита кўчиради. Унинг фикрича, “ирсият” филогенезини онтогенезда такрорлайди, холос. Швецариялик психолог Э.Клапард (1873-1940) “Бола психологияси ва экспериментал педагогика” китобида қизиқиш, мотив, эҳтиёжларнинг методологик асослари, болалар тафаккурининг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари, уларда дастлабки умумлаштиришнинг шаклланиши сикретлиги, ўхшашлиги ва фарқланишнинг бола онгида акс этиши тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Француз психологи Э.Дюркгейм (1858-1917) ўсиш кишиларнинг ҳис-туйғусини ўзлаштириш эканини, шу боисдан идрок қилинган ташқи фикрлар ва эмоциялар боланинг руҳий фаолиятини ифодалашини, бола тажриба, анъана, урф-одатларни тақлид орқали эгаллашини, биологияда ирсият қанчалик аҳамиятли бўлса, тақлид ҳам жамиятда шундай ўрин тутишини уқтиради.

Э.Дюркгеймнинг фикрича, бола тақлид қилиш қобилияти билан туғилади.

Француз психологи П.Жане (1857-1947) психик ривожланишнинг биологик ва ижтимоий асосларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади ва ёш психологиясида янги назария кашф этди. Унинг назариясига биноан инсон психикаси ижтимоий муносабатларга боғлиқ бўлиб, жамият ва табиат ўртасидаги турли алоқалар системасининг шаклланиши инсоннинг ўсишини белгилайди. Бу эса кишининг атроф-муҳитга шахсий муносабатидан бошқа нарса эмас, албатта.

П.Жаненинг крикча, энг қимматли, аҳамиятли ижтимоий ҳаракат жимкорликдаги фаолиятда ўз ифодасини топади ва шахсларaro ташқи муносабатлар ривожланишининг асоси ҳисобланади. У ўз тадқиқотларида психиканинг тўрт даражаси: а) мотор реакциясининг ўсиши; б) перцептив ҳаракатнинг ўсиши; в) шахсий-ижтимоий ҳаракатнинг ўсиши; ўзининг ҳаракатини бошқа кишиларга мослаштириш; г) интеллектуал содда ҳаракатнинг ўсиши (нутқ ва тафаккурнинг ривожланиши) мавжуд эканлиги асосланган.

Швецариялик психолог Ж.Пиаже (1896-1980) инсоннинг камол топишини бир неча даврларга ажратиб ўрганишни тавсия қилади: 1) била ташқи муҳит-маълумотларни қайта ишлаш; 2) тафаккур; а) ижтимоий давргача; б) ижтимоий давр; 3) интеллектуал: а) сонсомотор-2 ёшгача; б) операционал давргача-2-7-8; в) яқин операция даври-7-8-11-12 ёшгача; г) расман (формал) операция даври-11-12-15 ёшгача.

АҚШлик психолог ДЖ.Брунер (1915-198) шахснинг таркиб топиши билан таълим ўртасида икки ёқлама алоқа мавжудлигини айтиб, инсоннинг камолот сари интилиш билим олиш самарадорлигини оширса ўқитишнинг такомиллашуви унинг ижтимоийлашуви жараёнини тезлаштиради деб уқиради.

Шу тариқа ёш психологияси фани қатор ривожланиш босқичларидан ўтиб бугунги даражага эришди. Унинг ривожланишига ўрта асиё алломалари, рус ва чет ва эллар психологлари муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Юқорида келтирилган ғоялар, амалий ва илмий маълумотлар, тадқиқотчилар яратган методикалар ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Ёш даврларни табақалаш назариялари

Психология фанида ёш даврларни табақалаш бўйича бир қатор психологларнинг мустақил йўналишлари мавжуд. Улар психика тараққиётининг онтогенезда ривожланишини турли даврларга ажратдилар ва бу даврларни ўзига хос, бошқа даврлардан фарқ қилувчи хусусиятларни кўрсатиб берадилар. Жумладан, америкалик психолог Э.Эриксон инсон умрини ўзига хос бетакрор хусусиятларга молик саккизта даврга ажратади.

Биринчи давр – гўдаклигида ташқи дунёга онгсиз “ишонч” туйғуси вужудга келади.

Иккинчи давр илк болалик даври бўлиб, бу даврда ярим мустақиллик ва шахсий қадр-қиммат туйғуси шаклланади ёки аксинча, уларнинг тескариси уят ва шубҳа ҳисси пайдо бўлади.

Учинчи давр ўйин ёши деб аталади ва унга 7-5 ёшли болалар киради.

Тўртинчи давр мактаб ёши боладаги асосий ўзгаришлар: кўзланган мақсадига эришиш учун интилиш, уддабуронлик ва тиришқоқлик билан ажралиб туради.

Бешинчи давр ўспиринлик даври бўлиб, унинг бетакрор хислати, ўзига хослиги, бошқа одамлардан кескин фарқланиши билан характерланади.

Олтинчи давр ёшлик бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобилияти ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради.

Еттинчи давр етуклик даврида ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида маҳсулдорлик туйғуси узлуксиз ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажарди.

Саккизинчи давр, яъни қариллик инсон сифатида ўз бурчини уддалай олганидан, турмушнинг тез умровлилигидан, қаноатланиш туйғулари билан характерланади.

И.Шпрангер “Ўспиринлик даври психологияси” номли асарида бу даврга 13-19 ёшли қизларни, 14-22 ёшли йигитларни киритишни тавсия қилади. Унингча, бу ёш даврда юз берадиган асосий ўзгаришлар: а) шахсий “мен” ни кашф қилиш; б) рефлексиянинг ўсиши; в) ўзининг индивидуаллигини англаш ва шахсий хусусиятларини эътироф этиш; г) ҳаётий эзгу режаларнинг пайдо бўлиши; д) ўз шахсий турмушини онгли равишда кўришга интилиш ва ҳокозолардир. 14-17 ёшларда вужудга келадиган инқироз ўсмирларда ўзларига катталарнинг болаларча муносабати доирасидан қутилиш туйғуси пайдо бўлишидан иборатдир. 17-21 ёшлиларнинг яна бир хусусияти уларда тенгқурларидан “ажралиш” инқироzi ва танҳолик истагининг пайдо бўлиши билан характерланади. Бу ҳолат тарихий шарт-шароитларидан келиб чиқади.

Франциялик психолог А.Валлоннинг нуқтаи назаригача, ёш давлари қуйидаги босқичларга ажратилади: 1) хомилининг она қорнидаги даври; 2) интенсив ҳаракат даври-туғилгандан олти ойликкача; 3) эмоционал даври-6 ойликдан 1 ёшгача; 4) сенсомотор даври 1 ёшдан 3 ёшгача; 5) персонизм даври-3 ёшдан бешгача; 6) фарқлаш даври 6 ёшдан 11 ёшгача; 7) жинсий тегилиш ва ўспиринлик даври 12 ёшдан 18 ёшгача.

Яна бир франциялик психолог Р.Заззе ўз ватанидаги таълим-тарбия системасининг принципларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммога бошқачароқ ёндашиб ва уни бошқача талқин этиб, инсоннинг улғайиб боришини қуйидаги босқичларга ажратишни тавсия қилади:

- 1) боланинг туғилганидан 3 ёшгача даври;
- 2) 3 ёшдан 6 ёшгача;
- 3) 6 ёшдан 9 ёшгача;
- 4) 9 ёшдан 12 ёшгача;
- 5) 12-15 ёшлар;
- 6) 15-18 ёшгача.

Р.Заззо инсон ривожланишининг босқичларига шахс сифатида таркиб топиш, такомиллашув назариясидан келиб чиқиб ёндашгани шахс чекланишига олиб келган. Шунинг учун унинг таълимоти инсоннинг туғилганидан умрининг охиригача психолог такомиллашуви, ўзгариши, ривожланиши хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини бермайди.

Г.Грим онтогенетикда инсоннинг камолотини қуйидаги давларга ажратишни лозим топади:

1. Чақалоқлик-туғилгандан 10 кунликкача.
2. Гўдақлик-10 кунликдан 1 ёшгача.
3. Илк болалик-1 ёшдан 2 ёшгача.
4. Биринчи болалик-3 ёшдан 7 ёшгача.
5. Иккинчи болалик- 8 ёшдан 12 ёшгача.
6. Ўсмирлик-13 ёшдан 16 ёшгача ўғил болалар, 12 ёшдан 15 ёшгача қизлар.
7. Ўспиринлик-17 ёшдан то 21 ёшгача йигитлар, 16 ёшдан 20 ёшгача қизлар.
8. Етуқлик-биринчи босқич: 22 ёшдан 35 ёшгача эркеклар, 21 ёшдан 35 ёшгача аёллар; иккинчи-36 ёшдан 60 ёшгача эркеклар, 36 ёшдан 55 ёшгача аёллар.

9. Кексайиш (ёш қайтиш)-61 ёшдан 75 ёшгача эркаклар, 55 ёшдан 75 ёшгача аёллар.

10. Қарилик-76 ёшдан 90 ёшгача (жинсий тавофут йўқ).

11. Узоқ умр кўрувчилар - 91 ёшдан юқориси.

Шундай қилиб, биз сизлар билан чет эл психологиясидаги ёш даврларни табақалашнинг асосий йўналишлари ва назарияларидан баъзиларига қисқача тўхталиб ўтдик. Бундан кўриниб турибдики, бу соҳада битта умумий назария ҳали ишлаб чиқилган эмас.

Рус психологиясидаги ёш даврларни табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Выготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб борди. Шу боисдан табақаланиш келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуқтаи назаридан ўзаро кескин фарқланади.

Ҳозир ёш даврларни табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳларга ажратиш ва уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқдир.

Л.С.Выготский психологларнинг ёш даврларга ажратиш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб ёш даврларни қуйидаги босқичларга ажратади:

1. Чақалоқлик даври инқирози.

2. Ғўдаклик даври-2 ойликдан 1 ёшгача. Бир ёшдаги инқироз.

3. Илк болалик даври-1 ёшдан 3 ёшгача. Уч ёшдаги инқироз.

4. Мактабгача давр-3 ёшдан 7 ёшгача. Етти ёшдаги инқироз.

5. Мактаб ёши даври-8 ёшдан 12 ёшгача. Ўн уч ёшдаги инқироз.

6. Пубертат (жинсий етилиш) даври-14 ёшдан 18 ёшгача. 17 ёшдаги инқироз. Олим ўз асарида ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур илмий, таърифлай олган. Энг муҳим психик янгиланишлар ҳақида илмий ва амалий аҳамиятга мойиллик мулоҳазалар билдирган. Бироқ бу мулоҳазаларида анча мунозарали, баҳсли ўринлар ҳам учрайди. Умуман Л.С.Выготскийнинг ёш даврларини та-

бақалаш назарияси илмий-тарихий аҳамиятга эга, унинг ривожланишни амалга оширувчи инқирозлар роли тўғрисидаги мулоҳазалари ва олға суран гоёлари хозирги куннинг талабига мосдир.

Л.С.Выготскийнинг шогирди Л.И.Божович инсоннинг топишини ёш даврларга бўлишда мотив-ларни асос қилиб олди, шунинг учун бу бўлишни мотивацион ёшдошиш, деб қараш мумкин. Л.И.Божовичнинг мулоҳазасига кўра ёш даврлари қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1 - босқич-чақалоқлик, туғилгандан бир ёшгача;
- 2 - босқич-мотивационн тасаввур: 1 ёшдан 3 ёшгача;
- 3 - босқич-"Мен" ни англаш даври: 3 ёшдан 7 ёшгача;
- 4 - босқич-ижтимоий жонзотликка англаш даври: 7 ёшдан 11 ёшгача;
- 5 - босқич-а) ўз-ўзини англаш даври: 12 ёшдан 14 ёшгача;
- 6 - босқич ўз-ўрнини белгилаш (топиш) даври: 15-17 ёш.

Л.И.Божович ҳар бир босқични психологик тавсиялашда унда намоён бўладиган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг сабаблари, омиллари, манбалари, турткилари, механизм-ларини ҳам баён қилади.

Д.Б.Элькониннинг таснифи етакчи фаолият (А.Н.Леонтьев) назариясига, ҳар қайси ривожланиш палласида фаолиятнинг бирор устунлик қилиши мумкинлигига асосланади. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги роли Д.Б.Эльконин назариясининг негизини ташкил қилади. Муаллиф ёш даврларни қуйидагича босқичларга ажратади:

1. Гўдаклик даври-туғилгандан 1 ёшгача, асосий фаолият-бевосита эмоционал мулоқот.
2. Илк болалик даври-1 ёшдан 3 ёшгача, асосий фаолият предмет билан нозик ҳаракатлар қилиш.
3. Мактабгача давр-3 ёшдан 7 ёшгача, асосий фаолият-ролли ўйинлар.
4. Кичик мактаб ёши даври-7 ёшдан 10 ёшгача, асосий фаолият-ўқиш.
5. Кичик ўсмирлик даври-10 ёшдан 15 ёшгача, асосий фаолият-шахснинг интим мулоқоти.
6. Катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик даври-16 ёшдан 17 ёшгача, асосий фаолият-ўқиш, касб танлаш.

Д.Б.Элькониннинг таснифини, кўпчилик психологлар маъқуллашига қарамай, унда айрим мунозарали жиҳатлар ҳам бор. Шунга қарамай Д.Б.Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса ёш даврлари психологиясида муҳим ўрин тутди.

Болалар психологиясининг йирик намояндаларидан бири А.А.Люблинская ҳам инсон камолотини ёш даврларга ажратишда фаолият нуқтаи назаридан ёндашиб, қуйидаги даврларни атрофлича ифодалайди:

1. Чақалоқлик даври-туғилганидан бир ойликгача.
2. Кичик мактабгача даври-1 ойликдан 1 ёшгача.
3. Мактабгача даврдан олдинги давр-1 ёшдан 3 ёшгача.
4. Мактабгача тарбия даври-3 ёшдан 7 ёшгача.
5. Кичик мактаб ёши даври-7 ёшдан 11-12 ёшгача.
6. Ўрта мактаб ёши даври (ўсмирлик)-13 ёшдан 15 ёшгача.
7. Катта мактаб ёши даври-15 ёшдан 18 ёшгача.

Педагогика-психологиянинг таниқли намояндаси В.А.Крутецкий инсоннинг онтогенетик камолотини қуйидаги босқичлардан иборат деб қарайди:

1. Чақалоқлик (туғилгандан 10 кунликгача).
2. Гўдақлик (10 кунликдан бир ёшгача).
3. Илк болалик (1 ёшдан 3 ёшгача).
4. Боғчагача ёши (3 ёшдан 5 ёшгача).
5. Боғча ёши (5 ёшдан 7 ёшгача).
6. Кичик мактаб ёши (7 ёшдан 11 ёшгача).
7. Ўспиринлик (11 ёшдан 15 ёшгача).
8. Илк ўспиринлик ёки катта мактаб ёши (15 ёшдан 18 ёшгача)

Ҳар иккала тасниф ҳам пухталигидан, уларга қандай нуқтаи назардан ёндашилганидан қатъий назар инсон камолотини тўла ифодалаб беришга ожизлик қилади. Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради, холос. Уларда ёшлик, етуқлик, қарилик даврларининг хусусиятлари, қонуниятлари тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар етишмайди. Шунга қарамай улар ўрта мактаб педагогик-психология фани учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги давр психологиясининг йирик вакили А.В.Петровский инсон камолотига, шахснинг таркиб топишига

ижтимоий психологик нуқтаи назардан ёндашиб, ёш даврларнинг ўзига хос таснифини яратди. А.В.Петровскийгача психологлар шахснинг бир текис камол топишини ўрганган бўлсалар, у шахс шаклланишининг просоциал (ижтимоий қоидаларига мувофиқ) ва асоциал (аксилижтимоий) босқичлари қам бўлиши мумкинлигини исботлаб беришга ҳаракат қилади: Шахснинг камол топиши учта макрофазадан иборатлигини қайт этиб, биринчиси болалик даврга тўғри келишини, унда ижтимоий муҳитга мослашиш, кўникиш (адаптация) рўй беришини: иккинчиси ўсмирларга хос индивидуаллашиш: учинчиси ўспиринликка, яъни етукликка интилиш даврида ўзига хос ҳолатларни мувофиқлаштириш (бирлаштириш) хусусиятлари пайдо бўлишини баён қилади. Шахснинг шаклланиши қуйидаги босқичларда амалга ошишини таъкидлайди:

1. Илк болалик (мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр) туғилгандан 3 ёшгача.
2. Боғча даври-3 ёшдан 7 ёшгача.
3. Кичик мактаб ёши даври-7 ёшдан 11 ёшгача.
4. Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик) даври-11 ёшдан 15 ёшгача.
5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври-15 ёшдан 17 ёшгача.

А.В.Петровскийнинг таснифи мукамал бўлсада, камолотнинг оралик босқичларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Ваҳоланки, ўсиш ижтимоий қоидаларига мувофиқми ёки аксилижтимоийми, барибир, ҳар иккала йўналишнинг ҳам оралиқ жабҳалари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин бу ғояни чуқур ифодалаб бериш жоиз.

Д.И.Фельдштейн таснифи ҳам шахсга ижтимоий ёндашувига асосланган бўлсада, А.В.Петровский таснифидан кескин фарқ қилади. Унинг фикрича, инсон шахс сифатида шаклланишида иккита катта босқичдан ўтади, улардан бири "Мен жамият билан" нуқтаи назаридан иборат бўлиб, қуйидаги ёш даврларни қамраб олади:

1. Илк болалик даври-1 ёшдан 3 ёшгача.
2. Кичик мактаб ёши-6 ёшдан 9 ёшгача.
3. Катта мактаб ёши-15 ёшдан 17 ёшгача.

Шахс камолотидаги иккинчи нуқтаи назари "Мен ва жамият" деб номланиб, қуйидаги ёш босқичларидан иборат:

1. Ғудаклик-туғилгандан 1 ёшгача.
2. Мактабгача давр-3 ёшдан 6 ёшгача.
3. Ўсмирлик-10 ёшдан 15 ёшгача.

Д.И.Фельдштейн бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўларок, ўсмирлик даврини уч босқичга ажратади:

I босқич (10-11 ёш) ўзига муносабатни кашф қилишдан иборат бўлиб, ўзини шахс сифатида ҳис қилиш ва қатъий қарорга келиш билан яқунланади.

II босқич (12-13 ёш), бир томондан, ўзини шахс сифатида тан олиш, иккинчи томондан, ўзига салбий муносабатда бўлишдир.

III босқич (14-15 ёш) тезкорлик, ўзини-ўзи баҳолашга мойиллик билан фарқланади.

Болаларда "Мен жамият билан" нуқтаи назари илк болалик, кичик мактаб ёши, катта мактаб ёши даврларида фаол ва кенг тус олиб, фаолиятнинг амалий предметли жиҳатлари жадал ўсиш жараёнида бўлади. Уларда "Мен ва жамият" нуқтаи назари вужудга келиши мактабгача ва ўсмирлик даврларига тўғри келиб, уларнинг ижтимоий ҳатти-ҳаракат нормаларини, қоидаларини ўзлаштиришлари ва бошқа шахслар билан муносабат ўрнатишлари, ўзаро мулоқотга киришишлари билан ифодаланади. Ана шу мураккаб ижтимоий-психологик ҳаракатларга асосланган Д.И.Фельдштейн боланинг ижтимоий ўсишдаги жамиятга муносабатини асосий (бош) ва оралиқ муносабатларга ажратади. Болада жамиятга муносабатнинг шаклланиши ижтимоийлашув, индивидуаллашувнинг таркибий қисмларини эгаллаш ва бир даврдан иккинчи даврга ўтиш орқали амалга ошади. Асосий (бош) муносабат инсоннинг камол топишида кескин силжиш нуқталари пайдо бўлиши, ички сифат ўзгаришлари вужудга келиши ва янги ҳислатлар таркиб топишининг маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Д.И.Фельдштейннинг ёш даврларга ажратиш назарияси онтогенездаги барча психологик ҳолат ва фазилатларни ифодалаш имкониятига эга эмас, аммо у таълим-тарбия сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатиш билан амалий аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтсак, психологлар томонидан ёш даврларни табақалаш психологиянинг пухта илмий методологик негизга эга бўлган қатор назариялари ишлаб чиқилган. Улар онтогенетик тараққиёт қонуниятларни атрофлича ёритишга ёрдам бериб, амалий назарий муаммоларини ҳал қилишда кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб ёш даврларни табақалаш муаммосининг ўрганилиш тарихи, уларнинг аҳамияти ва бугунги фан учун қимматли ҳисобланади.

Ушбу муаммо билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир масала борки, бу ёш даврлар кризислари (инқирозлари) масаласидир.

Хуш, ёш даврлар инқирози (кризиси) нима ва уни қандай тушуниш керак?

Психологияда психик тараққиёт, ёш даврлар ва кризислар муаммолари доирасида узвий ўрганилади, чунки бир муаммо доирасида ҳар доим у ёки бу масала ҳам ётади.

Ўтказилган кузатишлардан маълум бўлишича, болаларнинг психик тараққиётлари нисбатан секинлик билан юзага келса, яъни узоқ муддат давомида жиддий ўзгаришлар сезилмаса, айрим даврларда болаларнинг психик тараққиётлари қандайдир сакраш йўли билан жадал давр тараққиётнинг кризис (яъни инқироз) даври деб аталади. Психик тараққиётнинг шундай инқироз даврлари бир хил шароитда яшайдиган ҳамма болаларда нисбатан бир ёш даврида майдонга келади. Шунинг учун болалар психик тараққиётида пайдо бўладиган инқироз даврлари ҳамма болаларни маълум ёш даврларга ажратиш имкониятини беради.

Бола туғилгандан то мактабга боргунча бўлган вақт мобайнида ўз бошидан уч хил ўзгарувчи шароитни кечиради. Булар: 1 ёшли давр инқирози, 3 ёшли давр инқирози ва 7 ёшли давр инқирози.

Катталар ҳар бир ёш босқичидаги болаларга маълум талаблар қўяди, уларни бажарилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва бурчларни белгилайди. Ўз-ўзидан маълумки, бола ўсиб, ривожланиб борган сари унинг имкониятлари ҳам ортиб боради. Натижада жамият томонидан болаларга қўйилган талаблар, хунук ва бурчларнинг масъулияти ҳам орта боради. Бинобарин, ҳар бир босқичининг охирига келганда жамият

томонидан белгиланган талаблар, ҳуқуқ ва бурчлар боланинг имкониятлари билан мос келмай қолади, яъни бола жамият томонидан қўйилган талаблардан ўзиб кетади. Бунинг натижасида жамиянинг **болалик** ёш босқичида олдига қўйган талаблар, ҳуқуқ ва бурчлари, ахлоқ нормалари билан боланинг имкониятлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келади. Ҳар бир ёш босқичида майдонга келадиган инқироз даври ўсиш билан боғлиқ бўлган талаблари билан боланинг имкониятлари ўртасида юзага келадиган зиддиятдан пайдо бўлади.

Болаларнинг ҳар бир ёш босқичида юзага келадиган инқирозларни академик И.П.Павловнинг динамик стереотип ҳақидаги таълимоти орқали жуда яхши тушунтириб бериш мумкин.

2 Бола ўсиб-улғайиб, оила муҳитидан яслига борганида яслидаги муҳит оиладаги муҳитга мос келмай қолади. Муҳитнинг мана шундай кескин ўзгариши натижасида болада инқироз ҳолати юзага келади. Бундай инқироз ҳолати эски динамик стереотип, яъни эски турмуш тарзи батамом емирилиб, унинг ўрнига янги динамик стереотип ҳосил бўлгунга қадар давом этади.

Бир ёш босқичидан иккинчи бир ёш босқичига ўтишда юзага келадиган инқироз давлари ҳамма болаларда ҳам бир хил бўлавермайди. Айрим болаларда инқироз даври яққол намоён бўлса, бошқа болаларда деярли билинар-билинемас тарзда ўтиб кетади. Бу нарса турли ёш босқичидаги болаларнинг нерв системалари билан боғлиқдир. Масалан, нерв системаси мустаҳкам ва эгилувчан (эластик) болаларда янги динамик стереотиплар тез ва осонликча юзага келади. Бундай болаларнинг хулқ-атворларида инқироз даври билинмайди. Аксинча, нерв системаси заиф болаларда янги динамик стереотиплар қийинлик билан ва узоқ муддат давомида юзага келади ва бундай болаларнинг хулқ-атворларида инқироз даври яққол намоён бўлади.

Ҳар бир инқироз маълум ёшнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар қуйидагича белгиланади.

Бир ёшлилар кризиси: боланинг юриш малакасини эгаллаши билан боғлиқ бўлган янги эҳтиёжларнинг туғилиши жараёнлардаги қарама-қаршиликлар (кўринган предметни ушламоқчи, ўрганмоқчи бўлиши, катталар томонидан таъқиқланиши ва бошқалар).

Уч ёшлилар кризиси: “мен ўзим” даврининг бошланиши билан боғлиқ бўлган қарама-қаршиликлар заминида пайдо бўладиган хатти-ҳаракатлар мажмуи (барча нарсаларни ўзи мустақил бажаргиси келади).

Етти ёшлилар кризиси: боланинг мактабга бориши билан бўлган қийинчиликлар, тўсиқлар заминида пайдо бўладиган қарама-қаршиликлар.

Болалар психологиясида ана шу инқирозлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ижтимоий муҳит ва олиб бориладиган таълим-тарбияга ҳамда ирсий хусусиятларга боғлаб ўрганилади. Инқирозлар муаммоси ҳақида Л.С.Выготский ўз сарларида атрофлича таҳлил қилиб, инқирозларнинг енгил кечиши боланинг янги талабларга, яъни бола учун ҳақиқатан ўрганилмаган муҳитга қай даражада тайёрлигига боғлиқ деб уқтиради.

Бундан ташқари, болалар психологиясида боланинг психик ривожланиши, тараққиёти ҳақида сўз борганда ўз ёшига нисбатан ривожланишда олдинга кетган ёки аксинча ортда қолган болалар тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Психик тараққиёт даражаси нима билан ўлчанади?

Бизга маълумки, ҳар бир ёш давр учун ўзлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий тажрибалар, эгалланиши керак бўлган малакалар, кичикмалар ва билимлар доираси мавжуд. Агар, бола ана шу талабларни тўла ўзлаштириб моҳиятига етса у ҳолда бундай бола ёшига нисбатан нормал ривожланган дейилади. Баъзан экинчи кундалик ҳаётимизда “вундеркиндлар” деб аталувчи, яъни ўн тенгқурларидан психик ривожланишда ўзиб кетган болалар учрайди. Вундеркиндлар кўп шуғулланиш (катталар томонидан кўп ўқитиш, ўргатиш), ўзидаги билишга бўлган қизиқишнинг юқори бўлиши ёки туғма қобилиятлар билан ажралиб туради. Кузатишларнинг кўрсатишича, вундеркиндлар кўпинча мактабгача тарбия ва кичик мактаб ёшида кўпроқ учрайди. Чунки бу ёшдаги болаларда қизиқишлар доираси ниҳоятда кенг бўлганлиги ва катталар олдида ўзининг “меннинг”лигини тасдиқлаш учун қилинган ҳаракат ҳисобига бундай муваффақиятни қўлга киритишлари мумкин.

Психик тараққиёт “вундеркинд”лар ва нормал ривожланганлар қатори психик тараққиётда орқада қолган болалар ҳам учрайди. Бундай орқада қолишлик педагогик

қаровсизлик, сенсор камчиликлар ва ақлий заифлик ҳоллари натижасида юзага келади.

Шундай қилиб, биз психик тараққиётнинг ёш даврларга бўлиниши табақаланиши муаммосини ва у билан боғлиқ бўлган ёш даврлардаги инқирозлар масаласини атрофлича ўргандик.

Ўтилган материални мустаҳкамлаш ва мустақил иш учун вазифалар

1. Психик тараққиётни юзага келтирувчи қарама-қаршиликлар ҳақидаги назариялар?

2. Л.С.Выготскийнинг ёш даврларни табақалашдаги энг асосий ютуғи?

3. А.В.Петровский просоциал ва асоциал босқичлари ҳақида?

4. Мактабгача ёшдаги давр инқирозлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари?

5. Ёш инқирозларини енгиб ўтишдаги асосий омиллар ҳақидаги шахсий фикрингиз?

5-МАВЗУ: ЁШ ДАВРЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ. ЧАҚАЛОҚЛИК ДАВРИ ТАСНИФИ

РЕЖА:

1. Чақалоқлик даври таснифи.
2. Туғилиш давридаги рецепторлар.
3. Ориентировка рефлекси.
4. Чақалоқларнинг индивидуал фарқлари.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

ориентировка рефлекси, ҳимоя рефлекси, "жонланиш комплекси", индивидуал фарқлар, рефлектор мослашиши, туғилиш давридаги рецепторлар.

Боланинг она қорнидаги ўсиш даври онанинг организмга узвий боғлиқ ҳолда кечади. Чақалоқнинг барча

ҳаётий функциялар, овқатланиш, нафас олиш, нафас чиқариш, ҳаво ҳароратининг ўзгаришига ва атмосферадаги моддалар алмашинувига мослашиш ва ҳокозолар онанинг организми орқали амалга ошади.

Чақалоқнинг туғилиши сифат ўзгариш дақиқаси, ижтимоий ривожланишнинг янги кўриниши бошланадиган нуқта эканлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун туғилиш табиатнинг чақалоқ организмни кучли ларзага келтирувчи мўъжизасидир. Бунда она қорнидаги барқарор муҳитда яшаган жонот фавқулотда янги шароитга, сон-саноксиз хосса ва хусусиятларга эга бўлган кўзғовчилар доирасига тушади. Аввал чақалоқ организмнинг она организмдан ажралаш содир бўлиб, ижтимоий табиий шароитларга мослашуви бошланади. Унинг мурғак организмда туб ўзгаришлар рўй беради, унинг янги шароитларга кўникиш даври курашлар остида ўтади. Чақалоқ организми миқдор ва сифат ўзгаришларига, ташқи оламнинг қаршилигига, таъсирига, тазийқига дуч келади: фазо, вақт ва ҳаракат муаммолари мутлақо бошқача тарзда унинг бош мия катта ярим шарлари бўлишида акс эта бошлайди. Чақалоқда она организми билан анатомик, морфологик ва констацион боғлиқлик даври туғилган бўлса-да, бироқ у дастлабки дақиқалардан бошлаб мустакил яшай олмайди, онага физиологик жиҳатдан тобелигача қолавермайди. Чақалоқ яшаши учун организм талаб қиладиган овқат, оқсиллар, мазкур ўсиш палласида она сути орқали бориб туради.

Туғилган чақалоқ ҳаво бўшлиғи ва ҳавонинг босимига дуч келиши сабабли табиий талабга кўра унинг нафас ва нафас чиқариши ўзгаради. Салқин ҳаво оқимига тушиши билан ҳароратнинг таъсирига мослашиш учун ҳаракат қиладди. Унда овқатланиш усули ва воситаси ҳам ўзгаради, яъни плацентар озиқланиш (она организмдан бевосита қонга моддалар сўрилиши) дан орал озиқланиш (орқали меъда-ичакка бориши)га ўтади. Туғилиш арафасида чақалоқ наслий йўл билан мустаҳкамланган айрим механизмлар, шартсиз рефлекслар пайдо бўладики, булар янги ҳаёт шароитига мослашишни бирмунча енгилаштиради. Янги туғилган чақалоқ овқатланиш рефлекслари маълум даражада шаклланган, асосан, сўриш, эмиш рефлекслари ўз вазифасини адо этишга тайёр бўлади. Чақалоқнинг лабига ва тилининг

шилимшиқ пардасига бирор қўзғатувчи тегиши билан унда ихтиёрсиз равишда сўлак ажрала бошлайди. Она кўрагини эмишда унинг бошқа ҳар қандай ҳаракати секинлашади ёки мутлақо тўхтади. Психологлар М.П.Денисова ва Н.Л.Фигуринлар чақалоқлардаги мазкур жараёни чуқур тадқиқ қилиб “овқатга йўналиш” реакцияси деб атадилар. И.П.Павлов таъбирича, бунда шартсиз рефлекслар вужудга келиб, у идрок қилинадиган нарсага идрок қилувчи органи қўзғатувчи энг қулай йўналишига акс этади. Натижада эмиш механизмининг таъсиридаги хатти-ҳаракатлар қисман ёки бутунлай тормозланади.

Чақалоқнинг янги шароитда яшашини таъминловчи асосий омил туғилишда унда вужудга келган табиий механизмлардир. У ташқи шароит ва муҳитга мослашиш имконини берадиган нисбатан етилган нерв системаси билан туғилади. Туғилганидан бошлаб мазкур рефлекслар органимида қон айланиш, нафас олиш ҳамда нафас чиқаришни таъминлайди.

Биринчи кундалик кучли қўзғатувчиларга нисбатан қўзни қисиш, пирпиратиш, унинг қорачиғини кенгайтириш ёки торайтириш механизмлари ишлай бошлайди. Бу рефлекслар ҳимоя рефлекслари дейилади.

Чақалоқда ҳимоя рефлексларидан ташқари, қўзғатувчилар билан алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган рефлекслар ҳам бўлади. Булар ориентир рефлекслари деб аталади. Икки, уч кунлик бола хонага қуёш нури тушиши билан бошини ёруғлик томонга буриши, хонага аста кириб келаётган нур манбаини ҳам сезиш имконига эга.

Юқорида айтилган рефлекслардан ташқари, болада бир нечта туғма табиий рефлекслар ҳам учрайди: эмиш рефлeksi оғзига тушган нарсани сўришда ўз ифодасини топса, қўл кафтига бирор нарсанинг тегиши ушлаш, чанг солиш реакциясининг вужудга келтиради. Ўзидан нарсани итариш, узоқлаштириш рефлeksi мавжуд бўлиб бу ҳол товонга қандайдир жисм тегиши билан уни ўзидан узоқлаштиришда намоён бўлади.

Психолог В.С.Мухинанинг фикрича, чақалоқда туғилишга қадар ҳам шартсиз рефлекслар бўлиши, унга ҳомилалик пайтидаёқ ўз қўлини сўриш имконини яратади. **Шарқ** алломаларининг фикрича, чақалоқда туғма реакцияларнинг

бошқа гуруҳи ҳам мавжуд бўлиб, бешик тебратилганда чақалоқнинг йигида тўхташи, ихтиёрсиз ҳаракати секинлашуви шундан далолат беради. Қадим замонлардан бери бешик, сўргич ва ҳокозолардан чақалоқни юпатишнинг, унинг ихтиёрсиз ҳаракатини тўхтатишнинг, диққатини овқатга ва фавқулотда ҳолатга ўрнатишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади.

Қатор туғма-табиий реакциялар чақалоқ ҳаёти учун жуда муҳимдир. Ана шу шартсиз рефлекслар туфайли у янги унғайсиз шароитга ўникаиб боради ва ўз яшаш тарзини мавжуд йўналишда йўнлаштиради. Унинг янги муҳитда овқатланиши ва нафас олиши ана шу рефлексларнинг бевосита функцияси ҳисобланади. Бола туғилгунича ундаги барча жараёнлар организмнинг организми орқали амалга ошган бўлса, туғилганидан кейин мутлақо бошқача тарзда амалга оша бошлайди. Маълуман, ўпка билан нафас олиш, ораль (оғиз, ичак, ошқозон каби биологик органлар орқали) овқатланиш вужудга келади. Бу психологияда рефлексор мослашиш деб аталади.

Мускул системасининг иштирокида нафас олишнинг ритмли ҳаракатлари амалга ошади. Бу жараён овқатланиш, эмиш (сўриш) рефлекслари ёрдамида вужудга келади. Чақалоқнинг туғма рефлекслари дастлабки пайтларда номутаносиб ишларнинг сабабли у тез-тез қалқиб кетади, жисмонан дарров тинчилади (тез уйқуга кетади ёки уйғонади). Чақалоқнинг фаол фаолияти, фаоллиги организмни озиқ билан таъминлашга, туйишга йўналган бўлади. Организмнинг терморегуляцияси ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, болани ўзгарувчан микромуҳитга тобора мослаштириб боради.

Чақалоқлик даврида инсоннинг камол топишида ҳуқуқатворнинг туғма инстинктив кўринишлари: нафас олиш, овқатланиш, ҳароратдан таъсирланиш ва ҳокозолар соф ҳолда намоён бўлиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур органик (морфологик) эҳтиёжлар чақалоқ учун психик ўсишнинг негизи ва нафасини ўтай олмайди, аммо улар биргаликда индивидуалнинг яшашини таъминлайди.

Психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, қатор туғма рефлекслар боланинг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир этмасам ҳам, унинг табиий биологик эҳтиёжларини

қондиришда иштирок қилади. Буларга ативистик, тирмашиш, судралиш, эмаклаш каби наслий рефлекслар киради ва айрим рефлекслар (тирмашиш, чанг солиш) борган сари сусайиб боради. Чақалоқда ушлаш, ўзини тутиш рефлексларининг пайдо бўлиши унга фазода тўғри ҳаракат қилишга имкон яратади. Том маънодаги судралиш боланинг нарсаларга қўл чўзишдан бошлаб олдинга ҳаракат қила бошлайди. Бу жараён кейинроқ янада тараққий этади.

Туғилишга яқин чақалоқда қулоқ ва кўз механизмлари ўз вазифасини ўташга тайёр бўлади. Бундан ташқари, унда қатор ҳимоя ва ориентир (ўта ёруғликка қараш натижасида кўзни пирпиратиш, бошини олиб қочиш, буриш, кучли товушдан чўчиш кабилар) ҳам мавжуд бўлади. Аммо чақалоқда “кўриш” ва “эшитиш” аппаратлари орқали ўз диққатини бирор объектга тўплаш имкони бўлмайди. Чунки объектни таниш, товушни ажратиш, сезиш имконияти болада кейинчалик вужудга келади.

Чақалоқ учун туғма механизмлар янги шароитга мослашиш (кўникиш) учун келмайди. Шу боисдан уни, парваришда қўшимча тадбирлар қўлланмаса, чақалоқ ўсишдан орқага қолиши мумкин.

Чақалоқ она қорнидаги яшаш шароитидан атмосферада ҳаёт кечиришга ўтган дастлабки пайтларда унинг уйқу ва уйқусизлик ҳолатлари ўртасида кескин чегара бўлмайди.

Туғилган чақалоқнинг вазни тез камая боради. Бунинг сабаби ундан суюқлик моддасининг чиқиб кетиши, вазни ҳолатидан атмосфера босимига, қуёш нурига, турли хусусиятли моддалар таъсирига, ўзгарувчан ҳаво ҳароратига мослашиш даврида кўп куч қувват сарфланишидир. Бу даврнинг кечишида чақалоқларнинг ҳам индивидуал, ҳам жисмоний тафовутлари кўзга ташланади. Орадан кўп вақт ўтмай чақалоқ вазнининг камайиши табиий равишда тўхтайдиган ва унинг янги муҳитга мослашиши бошланади. Киндик тушиши даври организмда кескин ўзгаришлар юз бериш палласи ҳисобланиб, мурғак органнинг мустақил яшаётганидан далолат беради. Чақалоқнинг олдинги вазнига етиш даври ҳаётининг **биринчи ўн кунлигига** тўғри келади.

Чақалоқ организми анатомик-физиологик, морфологик тузилиши бўйича катта ёшдаги одамлардан фарқи кам

ривожланганлиги заифлиги, иш қобилиятининг кучсизлигидир. Унинг суяк системаси, пай мускуллари ва тоғай тўқималарининг ўсиши катта ёшдаги кишиларникидан ҳам суръат, ҳам сифат жиҳатдан фарқланади. Чақалоқдаги мускулларнинг такомиллашиши ҳаракат негизини вужудга келтиради: шу билан бирга ҳар бир биологик органнинг мустақил ҳаракати ва фаолиятини таъминлашга хизмат қилади. Болада бўйин мускулларининг ривожланиши катталар ёрдамида ағанаш имконини, қўл ва оёқ мускулларининг етилиши эса жисмоний ҳаракат қилиши, жисмларга қўл чўзиш учун шароит яратади.

Чақалоқнинг анатомик-физиологик тузилишини таҳлил қилсак, унинг суяк системасида оҳак моддаси ва ҳар хил тузлар етишмаслигининг гувоҳи бўламиз. Шу сабабли суяк функциясини кўпроқ тоғай тўқималари бажаради. Бош суяклари боланинг икки ойлигида ўзаро қўшилиб кетади. Бош суякнинг пешона ва тепа қисмлари ўртасида лиқилдоқ деб аталадиган қалин парда ва тери билан қопланган оралиқ мавжуд бўлади. У бола бир ёшдан ошганидан кейин суяк билан қопланиб боради, лекин у ҳақиқий суяк бўлмайди.

Чақалоқ нерв системасининг юксак даражада ривожланган қисми, яъни бош мия катта ярим шарлари ташқи кўриниши билан катта одамникига айнан ўхшаса ҳам, аслида ундан кўп фарқ қилади. Одамларни ўзаро қиёсласак, ажойиб манзарани кўрамиз: миянинг оғирлиги чақалоқ танасининг саккиздан бир ва катта одамларда эса қирқдан бир қисмини ташкил этади. Чақалоқларда бош гавдага нисбатан каттароқ кўринсада, у ҳали жуда бўш, мукаммаллашмаган бўлади. Уларнинг организми жадал суръат билан ўсиш давридан ўтади. Бу даврда чақалоқнинг оғирлиги 3-5 кг бўлишига қарамай, миясининг оғирлиги 300-350 грамми ташкил қилади, холос. Чақалоқнинг мияси хужайраларининг миқдори, “ариқчалар” нинг яққол кўзга ташланмаслиги, нерв хужайралари тармоғи жиҳатдан катта одамларнинг миясидан фарқ қилади.

Юқоридаги фикрларни исботлашга ҳаракат қилган психолог Е.А.Аркиннинг таъкидлашича, бола туғилишга ҳаракат қилаётган пайтда унинг миясини бир хил кулранг масса ташкил этади, унинг нерв толаларида миянинг қобиғи бўлмайди.

Чақалоқ нерв толалари бир-биридан ажралмагани сабабли, ташқаридан келган кўзғатувчилар муайян қисмга йўналган бўлсада, бошқа марказларга ҳам таъсир қилавермайди. Шу сабабдан бўлса керак, унинг бош мия ярим шарлари қобиғи аниқ, мустақил ва барқарор кўзғалиш ўчоқлари вужудга келмайди. Чақалоқ ташқи кўзғатувчилар таъсирига ихтиёрсиз равишда қўл-оёқлари ва бошини тартибсиз ҳаракатлантириш билан жавоб беради. Катта ёшли кишининг тик ҳолатлари ва ўзига хос типологик хусусиятларини идора қилишда нерв системасининг юксак даражада ривожланган қисмлари етакчи рол ўйнаса, чақалоқнинг ҳаётий фаолиятида бу вазифани бош мия қобиғининг остки марказлари бажаради. Бош мия ярим шарларининг дурустроқ ривожланган бўлимлари чақалоқ учун энг зарур жараёнлар: нафас олиш ва нафас чиқариш, эмиш, ютиниш нерв толалари чақалоқнинг яшаши учун етарли миқдорда мия қобиғига ўралган бўлади.

Чақалоқ бошқа ёш даврдаги одамларга қараганда кучсиз, заиф, ожиз кўринсада, баъзи жиҳатлари билан катталардан устунлик қилади. Е.А.Аркиннинг фикрича, чақалоқлик даврининг кучли жиҳатлари кўпинча унинг ўсиш қувватида ўз ифодасини топади. У ҳар ойда икки смдан ўсади, унинг оғирлиги ҳар куни 1,6-2 граммдан ортиб боради. Унинг шиддатли суръат билан ўсиши кўпроқ индивиднинг вегетатив нерв системаси, ички секреция (буюк қалқон ости ва усти) безларининг фаолиятига бевосита боғлиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ички секреция безлари ишлаб чиқарган махсус гармонлар қонга сўрилиб, организмнинг жисмоний ўсишини белгилайди. Чақалоқнинг ғоят жадал суръат билан ўсиши шу даврнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг ўсишига таъсир этувчи омиллар овқат, соф ҳаво, куюш нури, нафас олиш, парвариш ва ҳокозолар.

Чақалоқнинг асосий хусусиятларидан бири унинг инсон зотига хос барча хулқ-атвор шаклларини ва авлодларнинг тажрибаларини ўзлаштириш имкониятига эгалигидир. Туғма рефлекслар чақалоқ ҳаётидаги етакчилик ролини аста-секин йўқота боради. Кундалик тартиб ва тарбиянинг ўзига хос шароитида эҳтиёжнинг бошқа кўринишлари, жумладан, таассурот олиш, таъсирланиш, ҳаракат, мулоқот каби

шакллари вужудга келади. Моҳияти ва мақсади жиҳатдан янги эҳтиёжлар замирида психик ривожланиш амалга ошади.

Болада таассурот олиш эҳтиёжи пайдо бўлиши биланоқ, ориентир билан алоқа ўрнатади, ҳиссий билиш органларининг тайёрлик даражасига мувофиқ мавжуд маълумотларни қабул қилади ва шу жараёнда ўзи ҳам ривожланади. Чақалоқнинг кўрув ва эшитув аппарати дастлабки кундан оқ ишга тушса ҳам улар ҳали етилмаган бўлади. Шу сабабли кўриш сезгисини ёруғлик, эшитиш сезгисини эса қаттиқ товуш вужудга келтиради. Бола ҳаракатдаги жисмларни кузатишга интилса, ҳам аслида қимирламай турган, нарсаларга кўпроқ диққатини тўплайди. Унинг руҳий дунёсида кўрув ва эшитув аппаратларига мос равишда диққатнинг муайян объектга тўпланиши жараёни аста-секин вужудга келади.

Чақалоқнинг сезги органлари унинг ҳаракатига қараганда дурустроқ ривожланган бўлади. Масалан, чақалоқ аччиқни шириндан, иссиқни совуқдан, ҳўлни қуруқдан фарқлай олади. Унинг ҳид билиш органлари жуда заиф бўлишига қарамай бурнига ёқимсиз ҳидли модда яқинлаштирилса, безовтланади. Бола тери туюш, ҳарорати ҳис қилиш, сезиш, таъм билиш сезгилари ҳам етарли даражада ривожланган бўлади.

Чақалоқда жисмларни, одамларни, атроф-муҳитни катталар каби яқлит ва аниқ идрок қилиш имконияти бўлмайди. Чунки идрок қилиш инсоннинг бошқа психик жараёнлари (хотира, тасаввур), руҳий ҳолатлари (ҳис-туйғу, ўнғайсизланиш) ва ўзига хос типологик хусусиятлари билан узвий боғлиқда амалга ошади. Шунинг учун чақалоқда мазкур имконият ўта чекланган бўлиб, сезги органлари оддий акс эттириш имкониятига эга бўлади холос.

Янги туғилган болада кучли ёруғликни акс эттириш имкони бўлади ва у ёруғликдан турли даражада ва шаклда таъсирланади, ҳатто, кўзларини юмиб олади. Кўриш механизмлари ўсиб улгурмагани сабабли тинч ҳолатдаги ёки ҳаракати жисмини идрок қила олмайди. Гоҳо ўн кунлик чақалоқ ҳаракатдаги жисмга нигоҳ ташлагандек кўринсада, аслида унга бир неча секунд термулишдан нари ўтмайди.

Чақалоқда эшитиш сезгиси заиф ривожланган бўлса ҳам, у ҳали ўзи эшитишга мослашмаган кучли қўзғатувчилар-

ни (товуш, қичқирикни) акс эттира олади, бироқ товуш келаётган объектни аниқ топа олмайди.

Кўриш ва эшитиш органларининг муайян объектга йўналиши оёқ-қўл ва бошнинг ҳаракатида боланинг йиғлашдан тўхташида кўринади.

Чақалоқ ташқи олам билан алоқа бўлишининг маркази ролини бош мия катта ярим шарларининг юксак даражада ривожланган қисмлари бажаради. Мия тобора такомиллашувининг ўзи чақалоқдаги ҳиссий билиш органларининг ривожланишини таъминлай олмайди. Бу органлар бола олаётган таассуротлар натижасида ривожланади. Аслида таассуротларсиз миянинг ўзи ўсиши мумкин эмас. Миянинг ривожланишида ташқи оламдан келадиган кўзғатувчилар ва сигналларни қабул қилувчи ҳиссий билиш органлари анализаторларининг кўп ишлаши муҳим рол ўйнайди. Илмий манбаларда ифодаланганидек, чақалоқ сенсор тўсиққа тушиб қолса, ташқи таассуротларнинг етишмаслиги сабабли ўсишдан вақтинча орқада қолади. Аксинча, таассуротнинг мияга кўпроқ келиб тушиши ориентир рефлексларининг ривожини тезлаштиради. Кўрув ва эшитув аппаратини объектларга йўналтириш вужудга келади, натижада инсоний сифатлар, жараёнлар шаклланади. Кўрув ва эшитув органлари орқали тўпланадиган таассуротлар манбаи ҳамда нерв системасининг мунтазам ўсишини таъминлаш вазифасини катта ёшдаги одамлар бажаради.

Н.Л.Фигурин ва М.П.Денисовнинг таъкидлашича, боланинг бир ойликкача давридаги тетиклик ҳолати (уйғоқлиги) кўриш ва эшитишга йўналган шартсиз рефлекслар туфайли фаоллашиб боради: товуш таъсирига берилиш 2-3 ҳафталик чақалоқда вужудга келади. Шунинг учун бола сурнай садосига қулоқ солади ва йиғидан ёки ҳаракатдан тўхтайди. Бир ойлик болада ориентир рефлекси намоён бўлади (И.П.Павлов). Шу сабабдан чақалоқ гаплашаётган одамга тикилади ва ихтиёрсиз хатти-ҳаракатдан ўзини тийиб туради.

Бола объектни кўриш ва товушни эшитиш учун диққатини тўплайдиган бўлгач ҳаракатининг фаоллашувида анча ўзгаришлар рўй беради. Одатда, унинг ҳаракати ихтиёрсиз ва тартибсиз равишда амалга ошиб жисмларга кўз югуртириш, бошини буриш билан туғилса ҳам, ҳаракат ҳодисаси вазифасини бажаради: ўзида хулқнинг содда

кўринишини ифода қилади. Табиқат аб болани воқеалик, ташқи олам билан узвий боғлайди.

Д.Б.Эльконин фикрича, чақалоқ ҳаётининг учинчи ҳафтасида онанинг таълимий таъсирини сезиш ҳолатига мослашиш билан боғлиқ биринчи табиий шартли рефлекс вужудга келади ва кейинчалик эса баъзи кўзғатувчиларга жавоб тариқасидаги алоҳида шартли рефлекслар ҳам пайдо бўлади. Д.Б.Эльконин ва унинг шогирдлари таъкидлаганидек, чақалоқ психик ҳаётининг мазмунини муаммоси узил-кесил ҳал қилинмаган ва чақалоқнинг психик дунёсига чинакам ҳақиқатга яқин илмий объектив қарашлари. И.М. Сеченов асарларидагина учрайди. Психологлар аниқ фани ривожининг ундан кейинги даврида шу муаммага тааллуқли бир қанча тадқиқотлар олиб борилган, қатор психологик қонуниятлар ва механизмлар ишлаб чиқилганки, булар тўғрисида ёш психологияси ва педагогик психология хрестоматиясида бой материал берилган.

Ҳис-туйғунинг ўсиши (жонланиш)

Чақалоқнинг ҳаёти қийқириқ садоси билан бошланади ва бу кўпинча шартсиз рефлекслар хусусиятидан келиб чиқади. Дастлабки қийқириқ товуш чиқариш **оралиғи** қисилишининг бевосита маҳсули сифатида, **организмнинг** табиий эҳтиёжи натижасида вужудга келади. **Қисилиш** аввал нафас олиш рефлексини ҳам бошқаради. **Шунга қарамай**, мутахассис олимларнинг фикрича, биринчи **қийқириқ** нохуш ҳис-туйғунинг намоян бўлишидир. **Қисилиш танглик** (зўриқиш) туйғусини вужудга келишидир. **Шунинг учун** чақалоқдаги мускул реакцияси билан эмоционал **муносабатни фарқлаш** анча қийин. **Қийқириқ** нохуш кечинма **ва сезгиларга** жавоб тариқасида вужудга келиб, **иссиққа очликка ва намликка қаршилик** вазифасини бажаради. **Чақалоқни** тўғри тарбиялаш жараёнида қийқириқ **эмоционал кечинмаларнинг** яна бир тури йиғлашга айланади. **Йиғлаш** бола жисмоний оғриқни, руҳий қайғуни, изтиробни **табиий акс** эттиришнинг манбаи ҳисобланиши билан **ташқи олам билан алоқа ўрнатишнинг** энг зарур воситаси сифатида **чақалоқнинг ҳаёт фаолиятида** алоҳида аҳамият касб этади. **У** нохуш **ҳис-туйғуларнигина** акс эттириб қолмай, **табиий эҳтиёжларни қондириш** механизми сифатида ҳаёт хизмат қилиши мумкин.

Бола бир ойга тўлгач, ўзини парвариш қилаётган одамга интиладиган, талпинадиган бўлади ва бунинг мисоли тариқасида унинг кишилар орасида "ўз" кишисини таниши ва ажратишини айтиш мумкин. Боланинг катта ёшдаги одамларга ўз муносабатини билдириши унинг бундан кейинги ўсишини белгиловчи босқич вазифасини ўтайди.

"Жонланиш" боланинг катталар билан ўзига хос равишда муносабатга киришининг янги шакли сифатида вужудга келади. Лекин ташқи кўзгатувчиларнинг таъсирига жавоб тариқасида намоён бўладиган "жонланиш"нинг табиати ҳали очилгани йўқ. Эҳтимол, бу ҳолат боланинг катталар билан мулоқотнинг махсус кўриниши ва овқатланиш рефлексининг мустаҳкамланиши ёки болада ижобий ҳис-туйғуларни кўзғатиш омилидир. Баъзан болада ўзини парвариш қилувчи шахснинг муомаласи туфайли эмоционал ҳаракатлар вужудга келади, натижада унинг қўл ва оёқлари ҳаракати илдам ва тез амалга ошади. Бу жараён интилиш, илтижо, талпиниш каби ташқи ифодага эга бўлган ички психик кечинмаларда ўз аксини топади.

Психолог Е.К.Каверина боланинг ташқи таъсирига жавоб билдиришни тадқиқ қилиб, унда одамлар ва жисмларга муносабат бир хиллигини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсоннинг афти-ангорига қараб ижобий ҳис-туйғулар уйғониши кейинчалик вужудга келади. Таъсирга берилиш ва таъсирланишнинг мазкур шакли бола билан катталар ўртасидаги алоқанинг бошланғич кўриниши ҳисобланади. Шахслараро алоқанинг бу шакли чақалоқлик даврининг тугаши ва илк болаликнинг бошланишидан далолат беради.

Чақалоқда пайдо бўладиган ижобий ҳис-туйғуларнинг оддий табиий эҳтиёжларни қондириш билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ. Чунки психик дунёга ўзгаришларни ўрганган М.Ю.Кистяковскаянинг уқтиришича, уйқусизликдан қийналиш ва очлик уйғотувчи кўзгатувчиларни бартараф қилиш салбий кечинма ва ҳис-туйғуни пасайтиради. Боланинг катталар билан ижобий муносабатда бўлиши замирида табассум, кулги, илдам ҳаракат, товуш чиқариш бўлса ҳам, буларнинг табиий-органик эҳтиёжларини қондириш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча, ижобий эмоционал ҳолат янги ижтимоий эҳтиёжнинг кўрсаткичи бўлиб, бола катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришининг мотиви ва имконияти ролини бажаради.

Психолог М.И.Лисина ва унинг шоғирдлари таъкидлаганидек, маъкур ёш даврида бола кўз қарашлари, ихтиёрсиз ҳаракатлари, шарпага жавоби, тамшаниши орқали катталар билан алоқа боғлайди. Кўп марта такрорланиш натижасида шартли рефлекс шаклида вужудга келган ана шу жараёнлар мулоқотга айланади. Чақалоқнинг янги шароит ва муҳитга мослашишидан келиб чиқувчи бу ҳолат кўникиш кўринишида мулоқот вазифасини ўтай бошлайди. Бироқ бу мулоқот новербал равишда (сўзлар ишлатилмай) амалга ошади ва содда шаклидаги, тор кўламли шахслараро муносабатни акс эттиради.

Катта ёшдаги одамларнинг чақалоқ билан мулоқотда бўлиши унга ўйинчоқ кўрсатиши, термулиши, эркалаши унда ташқи таъсирига жавоб рефлексларини фаоллаштиради.

Психолог Д.Б.Эльконин назариясига кўра чақалоқлик давридан илк болалик, гўдаклик даврига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари маъжуддир. Булар:

1. Кўз ва қулоқ ёрдамида диққатни муайян объектга қаратиш (тўплаш)нинг пайдо бўлиши, бола ҳаракат фаолиятининг қайта туррилиши бошлангани, алоҳида намоён бўлувчи ҳаракатнинг тулқ ҳодисасига айланиши.

2. Сиртдан идрок қилинувчи барча объектларга (субъектларга) йўналган алоҳида қўзғатувчига нисбатан шартли рефлекслар ҳосил бўлиши.

3. Катта ёшдаги одамларга (онасига ва яқин кишиларга) нисбатан эмоционал реакциялар (ҳис-туйғулар, кечинмалар) янги эҳтиёж пайдо бўлишининг кўрсаткичи эканлиги.

4. Боланинг (чақалоқнинг) катталар билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи унинг кейинги психик ўсиши негизини ташкил этиши ва ҳоҳишлардир.

6-МАВЗУ: ГЎДАКЛИК ЁШИ ПСИХОЛОГИЯСИ

РЕЖА:

1. “Жонланиш комплекси” ва унинг келиб чиқиши дастлабки шартлари.

2. Катталар билан бўладиган эмоционал муносабатларининг ўсиши.

3. Нутқни эгаллашдаги дастлабки шартлар.

4. Бир ёшда нарсаларни тутиш, манипуляция.
5. Боланинг амалий фаолиятида психик ҳаракатларнинг шаклланиши.
6. Гўдакларнинг индивидуал фарқлари.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

гўдак, “жонланиш комплекси”, “сенсор очлик”, эмоционал (ҳиссий) муносабатлар, нутқни тушуниш, биринчи сўзлар, ҳаракат доирасининг ўсиши, индивидуал фарқлар, тақлидчанлик, манипуляция, ориентировка рефлекси, нутқ эгаллашнинг дастлабки шартлари.

Гўдаклик ҳаётӣй фаолияти ва тақдири уни қуршаган, парваришлайдиган катта ёшдагиларга бевосита боғлиқ бўлиб, унинг барча эҳтиёж ва талаблари фақат шулар томонидан қондирилади. Психологик иборалар билан айтсак, катталар боланинг фазодаги ўрнини узлуксиз ўзгартириш, алмаштириш натижасида унда кўриш, эшитиш, тери туюш, ҳароратни сезиш, таъм билиш каби сезгилар ривожланади (такомиллашади). Катталар гўдак учун яратган объектив ва субъектив шарт-шароитлар унинг ўсишини белгиловчи муҳим туртки вазифасини ўтайди. Атроф-муҳитнинг хусусият ва хоссаларини катталар гўдакнинг психик дунёсига сингдирадилар. Шиқилдоқлар шакли, ранги ҳар хил ўйинчоқлар ва ҳоказолар боланинг диққатига ҳавола қилиш унда жисмлар тўғрисида тасаввур образларини яратади, гўдакнинг ҳиссий билиш органлари эса уларни акс эттиради. Ўзаро мулоқот жараёнида, жисмларни ушлашга ўргатиш, машқлар натижасида гўдак “таниш” жисмларга талпинадиган, уларга қўл чўзадиган бўла бошлайди, унда ранг ва шаклини фарқлаш имконияти туғилади.

Таъсир ўтказишнинг кейинги мураккаброқ босқичида бола катталар ёрдамида ўтириш, ўринда думалаш, тик туриш, овқатланиш қуролларидан тўғри фойдаланишни, узлуксиз ва мазмунли ҳаракатларни амалга оширишни ўрганади. Шунинг учун акс эттириш қайси босқичдалигидан қатъий назар, бевосита йўл билан амалга ошади. Умуман, гўдаклик даврининг дастлабки босқичида олам, барча ашёлар,

жисмлар тўғрисидаги маълумотлар, тасаввурлар, тимсоллар ва ҳоказолар боланинг катталар билан ҳамкорликдаги фаолияти маҳсули сифатида маънавий бойликка айланиб, унинг бош мия ярим шарлари пўстлоғи остида ўз изларини қолдиради. Мазкур даврнинг аксарият босқичларида гўдақда билим ва тажрибаларни эгаллаш, ўқув, кўникма ва малакаларни мустақил ўзлаштириш имкони бўлмайди.

Гўдаклик даврининг хусусиятларини ўрганган Л.С.Виготский "Гўдаклик даври" асарида боланинг воқеаликка муносабати дастлаб ижтимоий муносабатдек туюлишини, ана шу жиҳатдан уни ижтимоий жонзот дейиш мумкинлигини уқтирди.

Д.Б.Эльконининг фикрича, катта ёшдаги одамлар гўдакни қуршаган воқеаликнинг марказий сиймоси, муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, унинг ҳар қандай эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ муаммолар учун таянч нуқтаси вазифасини бажардилар. Гўдак табиий-биологик жиҳатдан онадан ажралган бўлса ҳам аслида у билан ижтимоий боғлиқлигича қолади.

Гўдакнинг бир ёшгача даврдаги психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар мавжуд. Шулар орасида Н.Л.Фигурин, М.П.Денисова, М.Ю.Кистяковская, А.Валлон, Д.Б.Эльконин, Е.А.Аркин, С.Фаянс, Ш.Бюлер, Ф.И.Фрадкиналарнинг асарлари алоҳида аҳамиятга моликдир. С.Фаянс тажрибасида гўдакка чиройли ва жозибадор ўйинчоқлар 9 см масофадан кўрсатилганда у бутун вужуди билан уларга интиланган, кейинчалик оралиқ 60 см бўлганида боланинг интилиши, кўл чўзиши, сустлашган, чўзилиши, итиёрсиз ҳаракати мутлақо сўнган. У ўйинчоқ билан бир қаторда турган катта кишига ҳам ана шундай бефарқ қараган. Масофага қанчалик қисқарса, боланинг унга интилиши, қизиқиши шунчалик кучайиб боришини кузатиш мумкин.

Юқоридаги тажриба материаллари асосида, шундай хулоса чиқариш мумкин: катталар гўдак қатнашаётган фаолиятни жонлантирадилар. Гўдакни қуршаб турган жисмлар борган сари унинг нигоҳини ўзига тортиб, мафтун қилиб, кўзғатувчи вазифасини бажариб, боланинг қидириш, мўлжал олиш, чамалаш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Бизнингча, гўдак жонсиз нарсаларга қараганда одамга диққатини барқарорроқ қаратиши унинг катталарга муносабати ўзгарганидан эмас, балки улар билан алоқага киришганда сушт рецептор ўрнини фаолроқ рецептор идрок қилишдаги фарқлашнинг такомиллашуви муҳим восита ҳисобланади. Ҳаёт тажрибаси ортиб, бориши, машқлар натижасида жисмларнинг аломат ва белгиларини фарқлаш ўқуви пайдо бўлади.

Уйин фаолиятидаги табассум, жонланиш, шодлик туйғулари аввал фақат катталар иштирокида намоён бўлади, вақт ўтиши билан уйиннинг ўзи болага қувонч бағишлайди. Гўдак бир ёшга яқинлашган сари катталарнинг ҳатти - ҳаракатларини изчил кузатишдан ташқари, ундан аста - секин уларнинг фаолиятида иштирок этиш туйғуси, истаги пайдо бўлади, кейинчалик уларга кўмак бериш иштиёқи туғилади. Натижада бола индивидуал фаолият туридан ҳамкорликдаги фаолиятига ҳам ўта бошлайди. Маълумки, ҳамкорликдаги фаолият кўламини кенгайтиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, гўдаклик даврида катталар билан фаол алоқага киришиш эҳтиёжи туғилади ва бу алоқа нутқ давригача мулоқотнинг ўзига хос янги шакл сифатида боланинг ўсишида муҳим роль ўйнайди. Бир ёшгача даврда пайдо бўлган эҳтиёжнинг тобора чуқурлашуви бу билан нутқ давригача мулоқот чекланганлигининг номутаносиблиги бир ёшдаги инқирозни келтириб чиқаради. Вужудга келган қарама-қаршилиқ ўз ечимини нутқ орқали мулоқот даврида топади ва бола ўқишнинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтаётганини ифодалайди. Гўдакнинг нутқ фаолияти такомиллашган сайин мулоқотнинг мазмуни бойиб, кўлами кенгайиб боради. Натижада ҳақиқий маънодаги шахсга айланиши ва ижтимоийлашувига кенг имкониятлар яратади. Мазкур даврда гўдакнинг ўсишини таъминловчи объектив ва субъектив шароитлар яратилиши боланинг фаоллиги ортиши учун психологик негиз бўлади.

Ҳаракатнинг психологик хусусиятлари ва механизмларини қатор тажрибалар асосида ўрганган олимлардан Д.Б.Эльконининг ишонч билан таъкидлашича, 2-3 ҳафталик гўдак кўз ковергенцияси вужудга келса ҳам, ўз нигоҳини турли жисмларга қаратиб туриш жараёни жуда қийин кечади, ҳаётининг 3-5 ҳафталарида эса унинг нигоҳи оз фурсат

бўлсада муайян объект тўплана бошлайди. 4-5 ҳафталик гўдакда 1-1,5 метр наридаги жисмларни кузатиш кўникмаси ҳосил бўлади. Икки ойлик бола 2-4 метр узоқликдаги жисмларни ҳам пайқай олади, ниҳоят, 6-10 ҳафталик гўдак ҳатто, айланаётган предметларининг ҳаракатини идрок қилиш имкониятига эга бўлади. Кейинги ҳиссий органларининг кўз билан турли функциялар алоқалар ўрнатиши қарор топади. Гўдак тўрт ойлигида унинг жисмга тикилиш ва уни томоша қилиши нисбатан барқарор бўлади.

Юқоридаги фикрларга қарамай, мазкур ёшдаги болаларга қўл ҳаракати ҳали беихтиёр хусусиятга эга бўлиб, жисмларни мақсадга мувофиқ ҳаракатлантиришдан анча узоқдир. Гўдак 4 ойликдан бошлаб нарсага қўлини йўналтиради, аста-секин ундан пайпаслаш ўқуви намоён бўла бошлайди. 5-6 ойлигида предметни ушлаш ва уни ўзига тортиб олиш (қўлдан олиб олиш) кўникмалари шаклланади. Ҳаракат ва тери туюқ органлари сифатида қўл вазифасини ўтовчи кўриш қобилияти бир маромда ривожланишдан бирмунча кечикади. Бола 6 ойликда унда ўтириш, туриш, эмаклаш, юриш, гапириш кўникмалари шаклланади.

Юқоридаги ҳолатларнинг моддий асосини ўрганган Н.М.Щелованов 2 ойлик болада бош мия ярим шарлари пўстлоғи ўз функцияларини бошлашини, бу ҳол барча идрок қилиш органларида, жумладан, эшитув, кўрув аппаратларида шартли рефлекслар пайдо бўлганидан далолат беришини уқтиради. Олимнинг фикрича, эшитиш, кўришнинг юксак анализаторлари ҳаттоки, уларнинг кортикал бўлимлари ривожланганидан кейин болада ҳаракат ва ҳаракат ҳодисаси ривожланади.

Гўдак бир неча марта натижасиз ҳаракат оқибатида қафт ва бармоқларини яқинлаштириш, шундай қулай ҳолат яратадик, қўлининг уни жисмга тегиши биланок уни ушлаб олади. Қўл ушлаш ҳаракатининг вужудга келиши ҳам гўдаклик даврининг муҳим ривожланиш палласи ҳисобланади. Чунки қўл билан ушлаш ҳаракати, биринчидан, кўриш ҳаракатини мувофиқлаштиради, иккинчидан, мазкур психологик ҳолат биринчи йўналтирган ҳаракатни ифодалайди, учинчидан, жисмларни ушлашга иштирокининг ўша предмет билан турли ҳаракатларни бажариш (манипуляция)нинг энг қулай шартидир.

Р.Я.Абрамович - Лехтман гўдакнинг бир ёшгача даврида предметлар билан ҳаракат қилишини ўрганиб, уларнинг олтита ривожланиш босқичидан иборат эканлигини айтади. Булар: а) фаол сергаклик (тетиклик) - 2 ҳафталикдан 4-5 ҳафталиккача; б) сенсор фаоллик - 1,5 ойликдан 2,5-3 ойликкача; в) ҳаракат олди 2,5-3 ойликдан 4-4,5 ойликкача; г) содда “сермаҳсул” ҳаракат - 4 ойликдан 7 ойликкача; д) ўзаро боғланган (уйғун) ҳаракат - 7 ойликдан 10 ойликкача; е) функционал ҳаракат - 10-11 ойликдан 12-13 ойликкача давом этади. Муаллиф ҳар бир босқичининг ўзига хос хусусиятларини ҳам схематик, ҳам текстуал тарзда ифодалаган.

Предметнинг хусусиятига қараб бола ҳаракатидаги ўзгаришларни М.Ю.Кистяковская, Д.Б.Эльконин, Е.А.Аркин, В.С.Мухина, Н.А.Менчиская ва бошқалар, рецептор фаолият механизмларни И.П.Павлов ва унинг шогирдлари Ф.Ф.Дунаевский ва бошқалар ўрганишган. Уларнинг талқинича эмаклаш гўдакнинг фазода мустақил ҳолда ўрин алмаштириш ҳаракат қилишнинг дастлабки кўринишидир. Мустақил юриш-гўдакнинг инсонларга хос йўсинда фазода силжиш, жойидан кўзғалишни амалга ошириши учун муайян даражада тайёргарликни тақоза қилувчи ҳаракатларнинг янги кўринишидир.

Шундай қилиб, гўдакнинг жисмлар билан бевосита амалий алоқага киришуви ва улар ёрдамида ҳаракатланиши нарсаларнинг янги хосса ва хусусиятларини билиб бориши, улар билан муносабатни янада кенгайтириши учун имкон яратади.

Ҳаётининг иккинчи ярим йилида боланинг предметлар билан ҳар хил ҳаракатларини амалга оширишидаги илдамлиги, ориентирлаш фаолиятининг мураккаблашиви, фазода ўрин алмаштиришнинг янги шакллари вужудга келиши уни катта ёшдаги одамларга бевосита боғлаб қўяди.

Гўдак ўсишининг мураккаблиги унинг хилма-хил фаолияти ўзаро боғланганидир. Шунинг учун катта ёшдаги одамлар бу даврда гўдакнинг эҳтиёжларини тўла қондиришга ҳаракат қилишлари керак. Шундангина уларнинг бола психик дунёсига мунтазам ва мақсадга таъсир этиши бола бош мия катта шарлари пўстининг фаолиятини такомиллаштиради.

Гўдак ҳаётининг дастлабки ойларида бошлабоқ ўйин фаолияти унинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва гўдакда кўриб ва эшитиб идрок қилиш ўқувини ўстиради, жисмларнинг ранги, шакли, катта - кичиклигини ажрата олиш қобилиятини ривожлантиради. Ўйин фаолияти гўдакнинг борлигини билдиради ва уни акс эттиришида муҳим роль ўйнайди.

Катта ёшли кишилар товушига тақлид қилиш, гўдакнинг қуршаб турган одамлар нутқини идрок қилишини том маънодаги нутқ фаолиятини таркиб топтиради. Мулоқотнинг сўнги турлари гўдак ҳаётининг иккинчи ярим йилига кўзга ташланади. Унинг ўзини парваришлаётган, одамларга илиқ табассум, қувонч ва шодлик туйғуси билан боқиши фақат хуш кечинмаларидан эмас, балки ички механизмларини ифодаловчи, муайян даражада ташкил топган ижобий таъсирланишини акс эттирувчи мулоқотдан ҳам иборатдир. Катта ёшли одамлардан таъсирланиш ҳис-туйғуси гўдакнинг ҳаёти ва фаолиятида бир неча йўналишда қарор топиб боради. Улардан биттаси қувонч ёки табассум туйғусида: катталар бутун вужуди билан талпиниши, тикилиб туриши, ҳаракатларини кўзатиши қўлини узатиши, бошини кўзгатувчи келган томонга буриши, ўзига хос товушлар чиқариш ёки "гугу" лашида яққол кўринади. Таъсирланиш ҳис - туйғуси "жонланиш мажмуаси" билангина эмас, унинг алоҳида таркибий қисмларини (товуш, чеҳра ва ҳоказолар) таъсирида ҳам вужудига келади. Таъсирланиш туйғуси кейинчалик танловчанлик хусусиятини касб этиб, фақат айрим (яқин, туғишган) кишиларга нисбатангина ҳосил бўлади.

Олдинги бўлимларда таъкидланганидек, таъсирланиш туйғуси аввал умумий хусусиятга эга бўлади, кейинчалик (4-5 ойлик пайтларда) кишиларни таниш ва бегонага ажратиш билан яқунланади. Яъни танишлар гўдакда чуқур ижобий кечинмалар ҳосил қилса, бегоналар қувонч ва табассум ҳисларини бутунлай тўхтатишга ҳам олиб келади. Таниш киши психик жараён сифатида боланинг психикасида алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан катта ёшдаги одамлар гўдак учун дастлабки таниш жараённинг объектига айланадилар ва мулоқот давомида ижобий таъсирланиш туйғусини пайдо қилувчи кўзгатувчи вазифани ўтайдилар.

Бола ҳаётининг иккинчи ярим йиллигида катталар нутқини идрок қилиш ва уни тушуниши жадал суръат билан

ўсаверади. Чунки она ёки тарбиячи парваришлаши ва тарбиялаш жараёнида ҳар бир ҳаракатини тушунчалар, сўз бирикмалари, атамалар билан амалга оширади, ҳаракат билан предметнинг узвий боғлиқлигини ёритишга тиришади. Маълумки, ҳар қайси предмет ва воқеа ўз номи билан ифодаланади, натижада бола онанинг ёки тарбиячининг (мураббийнинг) нутқини тушуниш ва илғаб олиши бирмунча енгиллашади. Буларнинг барчаси бола билан катта ёшли одамлар ўртасида узлуксиз ҳамкорлик вужудга келишини тақазо қилади. Боланинг ҳамкорлигидаги (ота-она, энага, мураббий ёки туғишганлари иштирокидаги) ўйин фаолияти ҳам, ҳис - туйғуга берилиши ҳам нутқ ва нутқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Д.Б.Эльконин хулосасига кўра, нутқни тушуниш вужудга келишининг асосий шартлари куйидагилардан иборат: а) умумий ҳолатдан предметни ажрата олиш; б) предметга диққат - эътиборини тўплаш; в) фавқулодда ҳолатга қараб англанадиган ҳис - туйғунинг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзгалар нутқини тушуниш кўрув идрокининг замирида вужудга келади. Болани ўзгалар нутқини тушунишга ўргатишда катта одам бирор ўйинчоқдан таъсирланиш ҳосил қиладиган кўзғатувчини уйғотади. Бунда ўзи жисм ва расмларга боланинг диққатини жалб этади ёки унинг кўлидаги ёхуд стол устидаги объектларни кўрсатиб “Сурнай қани?”, “катта айиқча қани”, “копток қани, автомобилчи?” каби саволлар билан мурожаат қилади.

Катталарнинг бола билан машғулотларни бир неча марта такрорлаши натижасида талаффуз қилинаётган сўз билан предмет узвий боғланади ва бу боғланиш бир неча босқичларда намоён бўлади. Даставвал катталарнинг саволи боладан ҳеч қандай таъсирланиш туйғусини кўзга тутаяди, ҳатто гўдак ўша предметга қиё ҳам боқмайди. Иккинчи босқичда болада саволга нисбатан суст ҳаракатланиш ҳосил бўлади ва у предмет турган томонга диққатини йўналтиради. Нутқини идрок қилишининг учинчи босқичида гўдак учун жисмнинг моҳияти ва мазмунини муҳим аҳамият касб этмайди, балки берилаётган саволнинг интонацияси, ритми темпи, мантиқий урғуси бош мезон, асосий туртки вазифасини бажаради. Ўзгалар нутқини тушунишнинг охириги босқичида

гудак предметни англатувчи сўз билан предметни узаро боғлаш имкониятига эга бўлади, натижада бошқа жойлардан ҳам шу предметни топиш учун ижодий изланишга ҳаракат қилади. Нутқни идрок қилиш ва тушунишнинг охириги босқичи гудак предметни англатувчи сўз билан предметни узаро боғлаш имкониятига эга бўлади, натижа бошқа жойлардан ҳам шу предметни топиш учун ижодий изланишга ҳаракат қилади. Нутқни идрок қилиш ва тушунишнинг охириги босқичи гудакнинг 9-10 ойлигидан бошланади ва у узгалар нутқини тушунишнинг илк шакли ва кўриниши деб айтилади.

Тадқиқотчи Ф.И.Фрадкина катталарнинг гудакка қаратилган нутқдан куйидаги таъсирланиш ҳолатларини кўриш мумкинлигини аниқлаган: 1) номи айтилган предметга жавоб тариқасида бурилиб қараш (7-8 ойликда); 2) турмуш тажрибасида эгаллаган ҳаракатларни катталар эслатиши билан бажаришга интилиш (7-8 ойликда); 3) катталарнинг нутқ орқали кўрсатмаси бўйича оддий топшириқларни бажариш (9-10 ойликда); 4) нутқ орқали кўрсатма бўйича зарур предметни танлаб олиш (10-11 ойликда); 5) "мумкин эмас" деган тақиқловчи сўз таъсирида ҳаракатини тўхта-тиш (12 ойликда) ва ҳоказо.

Д.Б.Эльконин фикрича, бир ёшгача бола психикаси ўсишининг ўзига хос хусусиялари куйидагилардан иборат: 1) катталар нутқини тушуниш ҳамда дастлабки сўзларни мустақил талаффуз қилиш; 2) предметлар билан хилма - хил ҳаракатларни уйғунлаштириб, иш - ҳаракатни бажариш; 3) юришга уринишнинг рўй бериши; 4) хатти-ҳаракатни сўз билан бошқара олиш; 5) сўз билан гудакнинг идрок қилиш фаолиятини бошқариш ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, бир ёшгача гудак эгаллаган энг қимматли хусусият пайдо бўлади ва у боладаги ижтимоий эҳтиёжнинг вужудга келишида ва унинг шу эҳтиёж орқали катта ёшдаги одамлар билан бевосита мулоқотга киришида ўз ифодасини топади. Шунинг учун жисмлар билан мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларни биргалиқда амалга оширишда, билиш жараёнлари ва шакллари замирада мулоқотга эҳтиёж туғилади. Гудакнинг ўсиши катталар билан мулоқотга киришиши натижасида рўй беради.

Демак, уч ойлик гудак гапираётган одамни ўз кўзлари билан топиш имкониятига эга бўлади, чунки унда шу пайтгача

товуш манбаини излаш ўқуви шаклланади. Шунга кўра бола товуш келган томонга қараб, сўзловчига муносабатини ҳис - туйғуга ўраб ифодалай олади. Гўдакнинг борган сари диққат билан атроф - муҳит маззараларини ва ҳар - хил овозларни эшитиш ҳамда кўриш имконияти унинг умумий ўсишида алоҳида аҳамият касб этади. Тажрибалар таҳлилидан кўринишича, кўриш, эшитиш анализаторлари гўдакнинг воқеалик ва борлиқ билан, катталар билан ўзаро мулоқотга кириши натижасида такомиллашади. Гўдакнинг ўз кўзлари орқали инсон ва жисмлар тўғрисида муайян маълумот олиши турмуш тажрибаси ортиб бориши билан вужудга келади. Эшитиш анализаторлари ёрдамида товушларни идрок қилиш овозларни фарқлашдан иборат шартли рефлексларнинг табиатига кўпроқ боғлиқдир. Шу сабабли гўдак инсон билан муסיқанинг товушини ажрата билади, уларнинг кучсиз ва кучлилигини, ёқимли ва завқлилигини сезади. Уни эшитиб тушунишини ва идрок қилиши кўпгина шартли боғланишларнинг сифати билан ўлчанади.

Инсон зотининг бир ёшгача даврини нуқтагача давр деб аташ одат бўлиб қолган. Бу давр мобайнида гўдак бош мия ярим шарлари иккинчи сигналлари системаси фаолияти билан боғлиқ анчагина ишларни амалга оширади. Нутқни тушуниб идрок қилиш эса кун сайин ўсиб, такомиллашиб боради.

Гўдак икки ойлик бўлгунча гупурлашни ўрганади. Гудурланиш ижобий ҳис - туйғу, барқарор кайфиятнинг маҳсули сифатида бошланади. У аста - секин артикуляр аппаратининг такомиллашуви натижасида товушларни ўзаро фарқлай бошлайди. Юқорида айтилганларнинг барчаси, бола амалга ошираётган нутқ фаолиятининг нишонаси туғилаётганини кўрсатади.

Гўдак ҳаётининг анализаторлар ривожланиб, ориентирлаш реакцияси аниқроқ ифодалана бошлайди. Шартли рефлекслар кўлами тобора кенгайиши натижасида воқеаликка ҳиссий муносабат такомиллашади. Гўдак ҳаётининг иккинчи ярим йилида эса у катталарнинг имо - ишораларини тушуниб идрок қила бошлайди. Фаол аломатларининг вужудга келиши билан гўдаклик даври тугайди ва илк болалик ёш даври бошланади.

7-МАВЗУ: БОҒЧА ДАВРИ БОЛАЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Боғча даврида психик жараёнларнинг ривожланиши.
2. Боғча даврида ўйин фаолияти ва психик тараққиёт.
3. Боғча даврида шахснинг шаклланиши.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

*боғча даври, шахс, иродавий сифатлар,
сюжетли - ролли ўйинлар, психик жараён,
умумий тараққиёт.*

Боғча ёшидаги даврда боланинг барча психик жараёнлари жадал ривожлана бориб, унинг ташқи муҳит билан бўлган муносабатларида анчагина ўзгаришларни юзага келтиради. Бир томондан, бола боғча ёшига етгач, катталарнинг доимий ёрдамларидан анча озод бўлиб улардан бир қадар узоқлашади, иккинчи томондан, катталар билан бўлган муносабатлари мураккаб, кўп томонлама характер касб эта бошлайди. Шу нарса характерлики, кичик боғча ёшидаги бола доимий ёрдам ва ғамхўрлик талаб қиладиган объектлардан секин - асталик билан оила ҳамда боғча болалар гуруҳининг фаол аъзосига айлана бошлайди. Демак, бола бу даврдан бошлаб, муҳтожликдан қутилиб, ўзи ҳам бошқаларга маълум даражада ёрдам бера оладиган, ўзининг бурчи, вазифалари, қизиқишлари ҳамда хилма - хил эҳтиёжларига эга бўлган шахсга, айлана бошлайди.

Боғча ёшидаги болаларнинг психик жиҳатдан ривожланишларида уларда пайдо бўладиган хилма - хил эҳтиёж ва қизиқишлар жуда катта аҳамиятга эга. Чунки эҳтиёж ва қизиқишлар болаларни у ёки бу ҳаракатга ундовчи, уларни ишга солувчи стимул (омил) ҳисобланади.

Боғча ёшидаги болаларда ижтимоий интеллектуал ва ахлоқий эҳтиёжлар яққол кўрина бошлайди. Агар боғчагача тарбия ёшидаги бола узоқ вақт давомида ёлғиз ўзи бирон ўйинчоқ билан машғул бўлиб ўтира олса, боғча ёшидаги бола бундай ёлғиз ўйнашга тоқат қила олмайди. Уларда

Ўзларига яқин бўлган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Улар тор оила доирасидаги муносабатлар билан ўз эҳтиёжларини қондира олмай, кенгроқ доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар. Натижада бу ёшдаги болаларнинг ижтимоий муносабат ва фаолият доиралари тобора кенгайиб боради.

Бола психологиясининг ривожланишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишга тиришади, ва бинобарин, узоқ вақт давомида қизиққан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди (тоқати чидайди). Бу эса, ўз навбатида, боланинг диққати, иродаси каби муҳим психик жараёнларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга ёрдам беради. Болаларда бирор соҳага нисбатан барвақт юзага келган қизиқиш келажакда уларнинг шу соҳасини яхши эгаллашлари учун қандайдир тайёргарлик ролини ўйнайди.

Боғча ёшидаги болалар жисмоний ва психик жиҳатдан ҳали етарли даражада ривожланмаганликлари туфайли улар оддийгина меҳнат топшириқларини бажара оладилар. Болаларнинг ижодий ҳаракатлари асосан ўйин ҳамда тасвирий санъат фаолиятида (расм чизиш, лой иши, қоғоздан ҳар - хил нарсалар ясаш каби) намоён бўлади. Болалар ўзларини ўйин ва тасвирий фаолиятларида катталарнинг меҳнатларини тақлидий тарзда қайта тиклаб, меҳнат ҳаётини фаол равишда ўзлаштира бошлайдилар. Бу уларнинг фаолиятига тайёрланишда катта аҳамиятга эгадир.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўз ҳатти - ҳаракатларини маълум вазифаларни адо этишига байсундира олишлари, тобора кучайиб бораётган қизиқиш ва эришган ақлий тараққиёт даражалари уларни маълум таълимий дастур асосида тарбиялаш имконини беради.

Боғча ҳаётининг кўп қиррали ва сермазмунлиги болалар билиш фаолиятларининг кенгайишига ҳамда чуқурлашишига ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, асосий билиш жараёнлари бўлмиш идрок, тасаввур, хотира ва тафаккур каби жараёнларнинг характерини ўзгартириб юборади. Боғчага тарбия ёшидаги болаларда бу жараёнлар уларнинг ёки бирон амалий фаолиятлари билан бирга намоён бўлади. Боғча ёшидаги болаларда эса бу асосий билиш жараёнлари бир - биридан дифференциялашган

(ажратилган) бўлади. Боғча бола бирон ўйин фаолияти ёки бирон нарса билан машғул бўлиш жараёнидагина эмас, балки бундай амалий фаолиятдан ташқари ҳам бирор нарса ёки ҳодисани идрок қилиши, тасаввур этиши, эсида олиб қолиши, эсига тушириши ҳамда оддий тарзда тафаккур қилиши мумкин.

Шунинг учун боланинг боғча ёшидаги даврида ана шу асосий психик жараёнлар ва хусусан тафаккур ҳамда нутқ жараёнлари жадал ривожланади. Болалар катталар билан бўлган муносабатларида нарса ва ҳодисалар ҳақида элементлар тушунчалар тизимини эгаллаб олиб, тафаккур қилишига ўргана бошлайдилар. Кичик боғча ёшидаги болаларга хос бўлган нимага?, нима қилади?, нима кераги бор? каби жуда кўп саволлар уларни нарса ва ҳодисаларининг сабаблари ҳақида фикр юрита бошлаётганликларидан дарак беради.

Боғча ёшидаги болаларнинг ҳис - туйғулари ниҳоятда қучли бўлади. Уларнинг барча ҳатти - ҳаракатлари кўтаринки ҳиссий ҳолатда ўтади. Боғча ёшидаги болаларнинг ҳис - туйғулари боғчага ёшдаги болалар ҳис - туйғуларига нисбатан анчагина мураккабдир. Боғча ёшидаги болаларнинг ҳис - туйғулари фақат бевосита идрок қилаётган нарсалари орқалигина эмас, балки тасаввур қилаётган нарсалари орқали ҳам юзага келиши мумкин. Бундан ташқари, боғча ёшидаги болаларнинг ҳис - туйғулари чуқур ва мустаҳкам бўла бошлайди.

Боғча ёшидаги даврда айрим психик жараёнларнинг ривожланиши билан бирга уларнинг шахси ва шахсий ҳислатлари ҳам таркиб топа бошлайди. Боланинг ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисалар ҳамда ўзига нисбатан бўлган тўғри, оқилона муносабатларнинг асоси худди шу даврда юзага келади. Бундан ташқари, боғча ёшидаги даврда боланинг қобилиятлари тез ривожланиб янги - янги эҳтиёжларини ва қизиқишлари ҳосил бўлади. Бола шахсининг ана шундай ривожланиб бориши натижасида унинг характерига оид ҳислатлар намоён бўла бошлайди. Боғча ёшидаги даврда болада қандай характер ҳислатлари тарбияланса, бу ҳислатлар боланинг мактаб ёшидаги даврида ва ҳатто катта одам бўлиб етишганида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун боғча ёшидаги даврда болада ижобий

шахсий хислатларнинг таркиб топишига алоҳида аҳамият бериш зарур.

Болалар боғча ёшидан бошлаб хулқ - атворнинг ахлоқий нормалари ва қоидаларини интенсив равишда ўзлаштира бошлайдилар. Улар ўзларининг у ёки бу хатти - ҳаракатларига катталар томонидан бериладиган баҳоларга зўр қизиқиш билан қарайдилар. Шунинг учун улар ҳамиша нима яхши-ю, нима ёмонлигини, қандай ҳаракат тўғри-ю, қандай ҳаракат нотўғрилигини аниқлашга интиладилар. Бу ишда болаларга ҳамиша ёрдам бериш керак, уларнинг бундай ҳаракатларини қўллаб - қувватлаш лозим.

Болалар боғчада асосан сюжетли ва ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинларни ўйнайдилар. Ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинларда болалар теварак атроф-муҳитдаги нарсаларни акс эттирадилар. Улар ўзларининг турли ўйинларида катталарнинг оилавий ҳаёт шароитларига доир ҳодисаларни, меҳнат фаолиятларини, йирик тарихий ҳодисаларини, кишилар орасидаги мулоқот муносабатлари, урф - одатлар, байрамларни акс эттиради.

Кўпинча болалар акс эттираётган ташқи муҳит ҳодисалари улар ўйин фаолиятининг сюжетини ташкил этади. Болалар акс эттираётган муҳит қанчалик кенг ва хилма - хил бўлса, болалар ўйинининг сюжети ҳам шунчалик кенг ва хилма - хил бўлади. Ана шунинг учун ўз - ўзидан маълумки, кичик боғча ёшдаги болалар ўйинларининг сюжети ниҳоятда тор бўлади. Болалар ўсиб улғайган сари улар ўйинининг сюжети тобора бойиб, хилма - хиллашиб боради.

Ўйин мазмуни сифати сюжетлар хилма - хиллиги болаларнинг умумий психик тараққиёт даражасига боғлиқдир.

Боланинг умумпсихолог тараққиёти фақат ўйин жараёнидаги (А.Леонтев) амалга ошишини инobatга олиб уларнинг ўйинларининг мазмунан бойитишига катта эътибор қаратишимиз лозим.

Боғча ёшидаги болаларнинг сюжетли ва ролларга бўлиниб, ўйналадиган ўйинлари деярли ҳамма вақт жамоа ҳолда амалга оширилади. Сюжетли ва ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинлар болаларнинг кўпгина психик жараёнлари ва шахсий психологик сифатларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйин шароитининг ўзиёқ болалар диққатини атрофдаги нарса ва ҳодисаларга фаол йўналтири-

шини талаб қилади. Бу эса, ўйин фаолияти давомида болаларни ниҳоятда фаоллаштиради, яъни улар кузатувчан, тез эсда олиб қоладиган, ҳар бир нарсани атрофлича ва чуқур таҳлил қиладиган бўладилар.

Сюжетли ва ролларга бўлиниб, ўйналадиган ўйинлар ўйин жараёнида болаларнинг бир бирлари билан фаол муносабатда бўлишларига имкон яратади. Бу болалар нутқининг тез ривожланишига олиб келади. Маълумки, сюжетли ва ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинларнинг ўз қонун - қоидалари мавжуд. Бу қонун - қоидаларга риоя қилишда болалар ўз ирода кучларини ишга соладилар. Бинобарин, ўйин фаолияти давомида болаларнинг иродавий сифатлари ҳам ривожланади. Турли ёшдаги боғча болаларининг ўйин фаолиятлари уларнинг барча ақс этириш, яъни психик жараёнларини, ақлий имкониятларини, шахсий психологик сифатларини, характер хислатларини таркиб топтириб, ривожлантиради. Шу нарса характерлики, боғча ёшидаги болаларнинг турли - туман ўйин фаолиятлари секин - асталик билан уларни ўқиш фаолиятига тайёрлайди.

8 - МАВЗУ: БОЛАНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ МУАММОСИ

РЕЖА:

1. Болани мактабга тайёрлаш муаммоси.
2. Болани мактаб таълимига тайёрлашнинг зарурий шартлари.
3. Узлуксиз ўқишга мотивацион ва эмоционал - иродавий тайёргарликнинг шаклланиши.
4. Боланинг мактаб таълимига психологик тайёргарлигини аниқлаш масаласи.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

мактабга тайёрлаш, ижтимоий, руҳий, ўзлаштириш.

Боланинг мактабга қатнай бошлаши унинг ҳаётида жуда катта воқеадир.

Мактабга келгач, боланинг асосий фаолияти таълим бўлиб, унда боланинг вазифаси ўқиш, фан асосларини ўрганиш бўлиб қолади.

Ўқиш фаолияти учун болаларда барқарор диққат, ўтқир зехн, мустаҳкам хотира, бир қадар тафаккур, равон нутқ, ирода ва шунинг билан бирга мустақиллик, бетартиблик хислари бўлиши керак.

Боланинг мактабга ўтиши уларнинг ясли- боғчага ўтишига қараганда мураккаб босқичдир. Чунки, бола боғчада 6-7 ёшда “энг катта” ҳисобланса, мактабга келиб “энг кичкиналар” ҳисобида бўлади. Энди боланинг ижтимоий муҳитда тутган ўрни ҳам ўзгаради. Ана шундай жиддий ўзгаришларни назарда тутиб, боланинг мактаб таълимига тайёргарлигига катта эътибор қаратиш лозим.

Психология фанида бу муаммо билан бир қатор йирик психологлар Запарожец А.В. Поддьяков Н.Н Мухина В.С. Венгер Л.А. Давидов В.В. Кравцова Е.Е Холмовская В.В.Охунжонова С. илмий - тадқиқот объекти сифатида ўрганганлар. Олимларнинг фикрича, болани мактабдаги таълим жараёнига тайёргарлиги шахснинг ижтимоий етуклик босқичларидан биридир. Лекин ижтимоий тараққиётининг бундай етуклик босқичига бола ўз - ўзидан кўтарилмайди. Бунга боғчадаги ва оиладаги таълим - тарбия мазмунининг шунга йўналтирилганлиги сабаб бўлади. Болаларнинг кўпчилиги мактабга чиқишда ва таълим олишда, нафақат биринчи кунлари, балки кейинги ойлари, баъзан эса кейинги йиллар ҳам қийналадилар. Бу омилларни психологияда “Мактабга психологик тайёргарлик” деб аталувчи тушунча бирлаштиради.

Болани мактабга тайёрлаш муаммосининг турли ечимлари мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат: а) оилада болани мактабга тайёрлаш; б) боғчада болани мактабга тайёрлаш; в) боланинг мактабга мослашишидаги қийинчиликларни ўқиш жараёнида бартараф этиш. Болаларнинг ўқув фаолияти мактабга мослашувидаги қийинчиликларни ечиш масаласи бирмунча камроқ ўрганилган. Лекин энг муаммоли масала болаларни оилада мактабга тайёрлаш масаласидир.

Болаларда мактаб таълимига қийин мослашувуларда кучли толиқиш, мактабга боришга ҳоҳишининг йўқлиги, уй вазифаларини бажармасликлари намоён бўлганида асабий

ҳолатлар, кузатганлар. Ушбу ҳолни мактабда педагоглар боланинг таълим жараёнига етарли даражада диққат қилмасликларида, улардаги бесарамжонликда, кўпинча ўз тенгқурлари билан низога боришларида, таълимга ва ўқитувчиларга нисбатан совуқ муносабатда бўлишларида кузатганлар.

Боланинг мактабга боришга тайёрланишида қуйидаги ҳолатни ҳам кузатиш мумкин: бола узоқ вақт ўрнидан тургиси келмайди, йиғлайди, баъзида бош ва қорин оғриғидан арз қилади, мактабга бормасликни сўрайди. Баъзи болалар гўл "ўта хаёлпаршон" бўладилар, мактабда керак бўладиган энг зарур ўқув курулларини уйда унитиб қолдирадилар. Мактабда таълим жараёнига мослашишининг қийинчиликлари қуйидаги кўринишларда бўлади: бола ўзлаштиришда бошқалардан орқада қолади, вазифаларни охиригача бажармайди, ўқитувчининг кўрсатмаларини ёмон ўзлаштиради, вазифаларни мустақил бажармайди, атрофдаги нарсаларга осон чалғийди.

Боланинг хулқида ҳам баъзи ўзгаришларни кўриш мумкин. Мактабда бола бўшашган, уйқучи ёки ўта қўзғалувчан бўлади. У дарсларда чалғийди, кўп гаплашади. Шу билан бир қаторда ўқитувчилар болада кучли ифодаланган асабийлашиш ҳолларини ҳам кузатадилар. Баъзи мактабга қийин мослашувчи болаларда ўқитувчиларга нисбатан кўрқув ҳисси кучли бўлади. Бундай болалар ўқитувчилар билан бўладиган мулоқотдан қочадилар. Юқорида қайд қилинган ҳолатларнинг барчаси тенгдошлари билан бўлган муносабатларда ҳам такрорланади: тенгдошларини тан олмаслик, ўзини улардан тортиб юриш ва низоларга боришдир. Бола бошидан кечираётган қийинчиликлар ҳақида ота - онасининг ундан мактабдаги муваффақиятлари тўғрисида сўраган саволларига берган жавобларига қараб ҳам хулоса чиқариш мумкин: бола мактаб ҳаётидан норозилигини очиқ ифода қилади ёки мактаб ҳақидаги суҳбатдан қочади. Шу билан бир қаторда у ўз норозилигини мактаб ҳаётининг турли жабҳалари бўйича, масалан, ўқиш жараёни бўйича, ўқитувчилар ва тенгқурлари билан бўлаётган муносабати бўйича билдириши мумкин.

Боланинг ўқув фаолиятига ўтишда бундай қийинчиликларга дуч келишига сабаб нима? Асосий сабаб шуки,

кўпгина ота - оналар болани мактабга тайёрлашни ўз билганларича - ёзишни, ўқишни, ҳисобга ўргатишдан, сўз заҳирасини бойитишдангина иборат деб ўйлайдилар. Боланинг таълим жараёнига ақлий тайёргарлиги деганда билиш жараёнларини (таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустақил хулосалар чиқариш ва ҳ.к.) етарли даражада ривожланганлиги тушунилади.

Бола берилган вазифани бажариш усулини англаши, яъни қайси вазифани қандай бажариш лозимлигини билиши керак. Шунда бола ўз ҳатти - ҳаракатларининг амалий натижаларининггина ажратиб қолмай, балки бу ҳаракат ўзлаштирилади билгим, кўпгина ва малакаларга ҳам тегишли эканлигини ҳам ажратади. Болаларнинг фаоллигини, ҳатти - ҳаракатни бажариш усулларини эгаллашга йўналтириш зарур бу ҳатти - ҳаракатлар натижаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг турли йўллари топишга ёрдам беради. Ўқув масалаларини ечиш жараёнида болалар уларни ечишнинг умумий усулларини ўзлаштирадилар. Боланинг ўқув масалаларини ечишга киришиши унинг мактаб таълимига тайёрлигининг зарур мезонидир. Ўқув предметларини ўзлаштиришда қийналадиган болалар кўпинча ўқув материални ўзлаштиришнинг умумий усулларини англаб ололмайдилар. Бу эса болаларда ўқув фаолиятининг шаклланиши учун асосий турткидир. Болани мактабга тайёрлашнинг зарур кўрсаткичларидан бири мактабгача ёшдаги болада кўргазмали - образли тафаккурини ривожлантиришдир. Болада зарур билимлар, кўникма ва малакалар илмий ривожланишининг юқори даражаси бўлса ҳам, лекин таълим олишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳис қилмаса, унга қийин бўлади. Мактаб ёшидаги кўпчилик болаларда мотивлар (бирор бир ҳатти - ҳаракатларга ундовчи сабаблар) иерархияси (бир-бирига бўйсунити) шаклланган бўлиши керак. Натижада баъзи бир мотивлар олдинги планга ўтиб, устунлик қилади, бошқалари эса унга бўйсинади. Бу жараённинг такрорланиб туриши зарур мотивларни ажратишга ўргатади. Бу ҳолда ўқиш мотиви кучли ва барқарор ҳисобланади. Бунда болада мактаб томонидан қўйилган мажбуриятларни доим ва чин кўнгилдан бажариш иштиёқи бўлади.

Мактабга мослашишидаги қийинчиликлар болаларнинг ўзига хос хусусиятларидан, темперамент хусусиятларидан, шахс сифатларидан, атрофдаги борлиқни идрок қилиш усулларидан ҳам келиб чиқади.

9-МАВЗУ: БОҒЧАЛАРДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

РЕЖА:

1. Таълим тизимида психологик хизмат.
2. Психологик хизмат йўналишлари ва мақсадлари.
3. Боғчада психологик хизматни ташкил этиш.
4. Соғлом авлод тарбиясида психологик хизматнинг аҳамияти.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

психологик хизмат, психодиагностика, психопрофилактика, консультатив, коррекция ишлари

Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур” да инсон омили асосий ҳисобланади. Бу борада энг муҳим вазифалардан бири “инсон идроки, ақл - заковатини ўлчаш ва баҳолаш, уни ўстириш, ўқувчининг қобилиятлари ва одабийлик сифатларини ривожлантириш муаммолари бўйича, шунингдек, ўқитиш, тарбиялаш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнида шахснинг касбкор - мутахассис бўлиб етишиш муаммолари бўйича психологик - педагогик тадқиқотларни бажариш” деб белгиланади.

Дарҳақиқат, таълим - тарбия тизимини тубдан ўзгартириш давр талаби, халқ таълими сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш эса жамиятимиз равнақи демакдир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, у бугунги кунда психолог олимлар олдида ҳам янги изланишлар, тадқиқотларни ҳал этиш муаммолари турибди. Шулардан энг муҳими назаримизда халқ таълими тизимида психологик хизматни ташкил этишдир. Хўш, халқ таълимида

психологик хизмат нима, унинг вазифалари нималардан иборат?

Ривожланган мамлакатларда психологик хизмат узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатади. Масалан, АҚШ да 1960 йиллардаёқ мактаб психологлари мақсад ва вазифалари, уларнинг ахлоқий ва ҳуқуқуий асослари, шунингдек, мутахассислик сифатида иш дастурлари мазмуни илмий ўрганилаб, амалда жорий этилган эди. 1980 йилга келиб бу мамлакатда мактаб психологлари миллий ассоцияси тузилади.

Америкалик мутахассислар фикрича, мактаб психологи вазифаси биринчи навбатда турли ёшдаги турли ёшдаги ўқувчиларнинг ақлий (интеллектуал) қобилиятини ўлчаш, аниқлаш ва тегишли хулосалар чиқаришдир. Бу тажриба 1970 йилларга келиб Франция ва Англияда ҳам қўлланила бошланди. 1990 йилда эса бу хизмат Венгрия, Югославия, Польша, Болгария, Чехославакия каби мамлакатларда ҳам ўз ишини бошлади.

Халқ таълими тизимида психологик хизматни йўлга қўйиш 2 хил йўсинда боради:

1. Вилоят, шаҳар, туман халқ таълими бўлими қошида психологлар гуруҳи фаолият юритадилар. Уларнинг асосий вазифалари куйидагича бўлади:

а) ўқитувчилар, тарбиячилар учун психологик билимларни ошириш мақсадида маърузалар ташкил этиш;

б) таълим - тарбия жараёнига боғлиқ муаммолар ҳақида консультациялар уюштириш;

в) баъзи ўқувчиларнинг психик тараққиётини диагностика қилиш ва тегишли тавсиялар бериш;

г) доимий равишда жойларда шахслараро муносабатлар, шахс психологияси, ижтимоий, педогогик ва даврлар психологияси муаммоларига доир семинарлар ташкил этиш;

д) жойлардаги (боғча, мактаб, лицей) психологлар фаолиятини назорат қилиш ҳамда уларга кўрсатмалар бериш.

Психологик хизматнинг бу тури кўпроқ долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, эндигина ташкил этилаётган даврда яхши самара боради.

II. Амалиётчи - психологнинг бевосита мактабдаги фаолияти.

Улар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) мактаб тарбиявий жараёни ичида туриб, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота - оналар орасидаги ўзаро муносабатларни реал ўрнатиб, таҳлил қилади;

б) ҳар бир ўқувчи шахсини индивидуал психологик хусусиятларини чуқур таҳлил этиб, тегишли хулосадан сўнг ўқувчи билан индивидуал ишлайди;

в) ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда психик тараққиёт даражасини диагностика қилади;

г) бола ҳаётида туғилган қийинчилик, тўсиқларни енгишида ёрдам берувчи психологик тренинглар ўтказиши;

д) ўқувчиларнинг психик жараёнларини ҳамда шахсий сифатларини шакллантириш учун махсус машқлар олиб боради;

е) турли ёшдаги ўқувчилар билан психокоррекцион ишлар ташкил этади;

ж) ҳар бир синф ўқувчиси раҳбари билан биргаликда ҳар бир ўқувчига психик тараққиёт варақаси (психик тараққиёт картаси) тузади ҳамда индивидуал натижаси қайд этиб борилади.

Хуллас, мактаб психологи фаолияти кўп қиррали, мураккаб ва ўта маъсулиятлидир. Чунки, психолог шаклланаётган шахс билан ишлайди. Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини, унинг оилада тутган, ўқувчилар, тенгдошлари билан ўзаро муносабатларини таҳлил этиш, хулоса чиқаришда шахс сифатида ўқувчини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, шундан сўнггина ўқувчи билан олиб бориладиган ишни режалаштириш зарур.

Умуман, мактабда психологик хизмат муаммоси бугундан энг долзарб ва ечимини кутаётган масалалардан биридир. Халқ таълими тизимида психологик хизматни тўлақонли жорий этиш учун қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этиш зарур:

1. Виложат, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари қошида психологик маслаҳат хоналарини ташкил этиш, бунда психолог - мутахассис фаолият юритиши шарт.

2. Амалиётчи - психолог тайёрлаш курсларини ташкил этиш (олий ўқув юртлари, психология кафедралар қошида) зарур.

3. Таълим - тарбия масканларида психологик хизмат фаолиятини тарғиб қилиш, оммалаштириш керак (ўқувчилар, ота - оналар учун).

Халқ таълими тизимида психологик хизмат структураси (тузилиши)ни қуйидагича кўришимиз мумкин:

Халқ таълими вазирлиги.

Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги психологик хизмат кабинетлари.

Шаҳар, туман ХТБ қишлоқдаги психологик хизмат кабинетлари.

Боғча, мактаб, касб - ҳунар ҳамда академик лицейлардаги амалиётчи - психологлар фаолияти.

Мактаб психологи хизмат доирасига бир қатор вазифалар қиради, улар:

1. Боланинг мактаб таълимига психологик тайёрлигини аниқлаш, зарур бўлса индивидуал ишлаш дастурини тавсия этиш.

2. Ҳар бир ёш босқичида ўқувчиларнинг шахсий - психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота - оналар билан ҳамкорликда ривожлантирувчи дастур асосида иш олиб бориш.

3. Мактаб ўқувчиларининг интеллектуал (ақлий) ва шахсий тараққиёт даражасини ўлчаш, аниқлаш шу асосда тегишли хулоса чиқариш.

4. Ўзлаштиришда орқада қолишлик сабабларини аниқлаш ва бартараф этишни амалга ошириш.

5. Ўқув - тарбиявий жараёнда ўқувчилар орасида туғиладиган қийинчиликлар, муаммолар сабабларини аниқлаш ва ечишда ёрдам бериш.

6. Ўқувчи, ўқитувчи, ота - оналар орасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келувчи муросасизликларни бартараф этиш ва олдини олишда ёрдам кўрсатиш.

7. Ўқувчилар, ота - оналарга болаларда психик жараёнлар тараққиёти ҳамда таълим - тарбиянинг психологик муаммолари ҳақида маслаҳатлар ташкил этиш.

8. Ўқувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳларда конкрет масалалар юзасидан психологик суҳбат (маслаҳатлар) уюштириш.

9. Ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш мақсадида психологик - ўйинлар ташкил этиш.

10. Ўқувчиларни касб - танлаш маҳоратига ўргатиш, касбга йўналтириш соҳасида ишлар олиб бориш.

Юқоридаги барча вазифаларни ҳал этишда ота - оналар сўзсиз психологга ёрдам беришлари керак, шундагина кўзланган мақсадга эришиши мумкин.

Боғча психологи зиммасига ўта мураккаб вазифалар юкланган. Чунки, боғча психологи иши бошқа таълим муассалари психологига кўра бироз мураккаб ва кўп вақт талаб этади. Мактабгача таълим муассаларида психологик хизмат кўп қиррали ва ўта мураккаб ҳисобланади. Боғча психологи зиммасига кўпроқ психологик хизматнинг биринчи йўналиши - психологик маърифий ишлар (яъни педагогик жамоа ва ота - оналарни психологик билимларни эгаллашга жалб этиш) тўғри келади.

Боғча психологи ота - оналар, педогогик жамоа, мутахассис ҳакимлар, логопед-дефектологлар билан доимий ҳамкорликда ишлаши мақсадга мувофиқдир.

Бу соҳадаги ишлар 1980 йиллардан сўнг машҳур олимлар В.С.Мухина, А.С.Спиваковская ва уларнинг шогирдлари томонидан илмий изланиш сифатида ўрганила бошланди.

Профессор В.С.Мухина боғча ёшидаги болаларда психокоррекция - профилактикани ўйин терапияси воситасида йўлга қўйган бўлса, профессор А.С.Спиваковская эса психотерапия - консултация (комплекс психокоррекция)ни афзал деб топди. Ҳар иккала тенденция ҳам тўғри йўлга қўйилиб, амалга оширилса, кўзланган мақсадни беради. Боғчада психопрофилактика йўналиши бўйича олиб бориладиган ишларга кўпроқ эътибор қаратилиши

зарур. Чунки боғча ёшидаги болаларда учрайдиган инқироз (кризис)лар, ҳар бир ёш даврдаги психик тараққиёт даражаси, баъзан учрайдиган нуқсонларнинг ўз вақтида олдини олиш каби муаммолар ечимини тарбиячи - педагогик, ота - оналар етарли даражада билмайдилар. Бу борада психолог ота - оналар билан бола шахсининг баркамол шаклланиши, ақлий тараққиётини мумкин қадар юксалтириш учун психологик билимларни эгаллашни йўлга қўйиши зарур.

Боғчада профилактик ишларни ташкил этиш жараёни узоқ муддатли ва босқичма - босқич амалга оширилади.

1. Психолог ҳар бир гуруҳ тарбиячиси ёрдамида ва бевосита иштирокида болаларнинг психик тараққиёт даражасини ўлчаб, аниқлаб, хулоса қилади. Хулосаларга кўра гуруҳларга бўлади ва зарур деб топилса ота - оналар билан муҳокама қилади (агар ақлий тараққиёт издан чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат аниқланганда, шубҳа туғилганда).

2. Ота - оналардан боласи ҳақида (унинг ёшига нисбатан ривожланиши, қобилияти, қизиқишлари, агар инқироз даври бўлса, қандай ўтаётганлиги, оилавий шикоятлари мазмуни) умумий маълумот, фикри иншо тариқасида сўралади.

3. Ҳар бир гуруҳ болалари махсус тестлардан ўтказилади, тест натижалари таҳлил этилиб, хулосаланади.

4. Профилактик ишлар психокоррекция билан биргалликда амалга оширилади. Бундан ҳар бир боланинг индивидуаллиги ҳисобга олиниб, боланинг тараққиётида орқада қолишлик ёки секин ривожланиш, ўзлаштиришдаги қийинчиликлар, шунингдек, шахсий сифатларда намоён бўладиган салбий хислатлар (тажанглик, қизғанчиқлик, инжиқлик) пайдо бўлиш сабаблари ўрганилиб, зарур бўлса тренинглари ўтказилади.

5. Олиб борилаётган профилактик ва коррекцион ишлар натижалари қайд этилиши, ота - оналар ва тарбиячи - педагоглар ҳузурда муҳокама этилиши, зарур ҳолларда оилада ушбу иш давом эттирилиши лозим.

6. Боғчада олиб борилаётган шу йўналишдаги ишлар махсус доскада ота - оналар учун ёритилиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

ЎТАБИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

Бу каби тадбирларнинг барчаси боғчада тарбияланаётган болаларнинг психикасига, улар ўртасидаги ва тарбиячи билан муносабатларига, ҳуқуқ, гуруҳнинг ижтимоий муҳитига таъсир этади, таълим - тарбия жараёнининг сифатини оширади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Каримов И.А.** Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1997 йил.

2. **Каримов И.А.** 1997 йил Конституциянинг беш йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқи. “1998 йил оила йили” деб эълон қилиниши ҳақида.

3. **Каримов И.А.** 1999 йил 7 декабрда Конституциянинг 8 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқи (“2000 йилнинг “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 февралдаги 73-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги 46-сонли қарори.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. 1997 йил.

7. “Соғлом авлод дастури”. Маърифат газетаси. 2000 йил 21,22,23 феврал сонлари.

8. “Она ва бола” давлат дастури. Т.2001 йил.

9. **Алишер Навоий.** Хамса.

10. Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури. Т. 1999 йил, 24-28-бетлар.

11. **Воҳидов М.** Болалар психологияси. Т. 1982 йил.

12. **Давлетшин М.Г.** Ёш ва педагогик психология. Т. 1974.

13. **Ибн Сино.** Тиб қонунлари. Т. 1994 йил.
14. **Норбошева М.О.** Халқ таълими тизимида психологик хизмат: муаммолар, ечимлар. Термиз Д.У. профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияси материаллари. Тошкент, 1999. 266-270-бетлар.
15. **Норбошева М.О.** Болалар психологиясидан лаборатория машғулоти. Термиз, 1997 йил.
16. **Охунжонова С.А.** Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш. Т. 1999 йил.
17. **Петровский А.В.** Умумий психология. Т. 1992 йил.
18. **Хайруллаев М.Фаробий.** Т. 1992 йил.
19. **Юсуф Хос Ҳожиб.** Қутадғу билиг.
20. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Шоумаров Ғ.Б. ва бошқалар. Т. 2000 йил.
21. **Виготский Л.С.** Изб. психолог. труды. в 6-т. 1982. Т. Детская психология.
22. **Запорожец А.В.** Изб. психолг. труды. М. 1987 в 2 т.
23. **Венгер Л.А., Мухина В.С.** Психология. М. 1988.
24. **Волков Б.С., Волкова М.В.** Задачи и упражнения по детской психологии. М. 1991.
25. Диагностика психического развития детей. Гурова Е.В. и др. М. 1992.
26. **Мухина В.С.** Психология дошкольника. И. 1999.

27. **Марцинковская Т.Д.** История детской психологии. М. 1999.
28. **Рочов Е.И.** Настольная книга практического психолога. М. 1999.
29. **Спок Бенджамен.** Разговор с матерью. Москва. 1990.
30. **Лешли Дженни.** Работать с маленькими. 1991.
31. **Элкониин Д.Б.** Психология игры. М. 1998.

Мундарижа

1-мавзу. Болалар психологиясининг умумий масалалари, предмети, вазибалари-----	3
2-мавзу. Болалар психологиясининг илмий тадқиқот методлари-----	13
3-мавзу. Психик тараққиётнинг умумий қонуниятлари ва дастлабки шартлари-----	24
4-мавзу. Психик тараққиётнинг ёш даврларга бўлиниши. Кризислар масаласи-----	32
5-мавзу. Ёш даврлар психологияси. Чақалоқлик даври таснифи -----	48
6-мавзу. Гўдаклик ёши психологияси-----	59
7-мавзу. Боғча даври болаларининг психологик хусусиятлари -----	69
8-мавзу. Боланинг мактаб таълимига психологик тайёргарлиги муаммоси -----	73
9-мавзу. Боғчаларда психологик хизмат ва уни ташкил этиш -----	77
Адабиётлар рўйхати -----	84